

КОНФУЦИЙ ТАЪЛИМОТИ

Мовароуннахрда
дастлаб Самарқандга
етиб келганлиги
тарихдан маълум.



ЎЗБЕКИСТОН ХДП ЎЗГАРИШГА ТАЙЁРМИ?



ИНСОН КАПИТАЛИ

биздан эътиборини кучайтиришни, барча
ишкониятини сафарбар этишни талаб этади.

ЖИГАР ЦИРРОЗИГА

олиб келувчи
вирусларни буткул
даволаш имконияти
мавжуд

5



O'zbekiston O'VOZI

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Давлат активларини бошқариш, монополияга
қарши курашни тартибга солиш тизимини
ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини газетамиз
сайтида ўқишингиз мумкин.

МИЛЛИЙ АРМИЯ ВА ХАЛҚИМИЗ ҚАНЧА ЯҚИН, БИР ТАНУ БИР ЖОН БЎЛСА, ШУНЧА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 27 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. 14 январь куни ана шу юксак мукофотларни топишириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев йилбиланлари Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаб, уларга мукофот топишириш юксак шараф деб билишини таъкидлади.

Бу мукофотлар сизларга айнан Ватан ҳимоячилари кунда топириладиганида чуқур рамзий маъно бор. Биз бу байрамда Қуролли Кучларимизни, барча аскар, сержант, офицер ва генералларни, муҳтарам фахрийларимизни шарафлаймиз, уларга энг эзгу тилакларни билдирамиз. Сизларнинг тимсолангизда ҳозир бутун армиямизни, барча ҳарбийларимизни қўллаб тургандек бўлаётган. Жонажон Ватанимиз ҳимояси ва тинчлиги йўлидаги фидокорона хизматингиз ва жасоратингизни ҳаммамиз яхши биламиз, юксак қадраймиз. Шу маънода, бу мукофотларни халқимиз ва давлатимизнинг Қуролли Кучларимизга, унинг барча шахсий таркибига қўрсатаётган чексиз эҳтироми сифатида қабул қилишингизни истайман, деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизнинг янги Мудофаа доктринаси асосида Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва интеллектуал тайёргарлигини юксалтириш бўйича улкан ишловлар амалга оширилмоқда. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, полигонларда ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Ҳарбийларни уй-жой билан таъминлаш, оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш учун муносиб шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мудофаа тизимида инсон омили ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўз қасамидега содиқ, кенг билим ва малакага эга, ақл-заковатли, мард ва азму бўлаётган ҳарбийлар армиянинг қудратли кучидир. Ҳалабани таъминлайдиган ҳам, шахсий таркибни тарбиялайдиган ва ўз ортидан эргаштирадиган ҳам шулар.

Ҳар қандай таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга тайёр миллий армиямиз – халқимиз, мамлакатимизнинг ишончли ва мустаҳкам қалқонидир. Шунинг учун биз ҳозирги

кунда ҳарбий кадрларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлиги билан бирга, ватанпарварлик тарбиясига жиддий аҳамият қаратаймиз. Яъни, ҳар бир аскар ва сержантда, офицер ва генералда, бутун шахсий таркибда миллий руҳ ва гуруҳ кучи бўлиши керак. Миллий руҳ — бу энгилмас куч. Миллий руҳ кучли бўлса, ирода, жанговар салоҳият ҳам юқори бўлади. Келажакда ҳарбий бўлишни озу қиладиган ботир фарзандларимиз миллий руҳни, муқаддас Ватан тақдири учун масъулият туйғусини қаердан олади? Ватанимиз бой тарихидан, Амир Темури каби буюк аждодларимиз жасоратидан олади. Ўз оиласи, меҳрибон ота-онаси ҳамда эл-юртимизнинг ишончи, ғамхўрлиги ва эътиборидан олади. Ёшларга ҳамиша ўрناк ва намуна бўлиб келадиган сиз каби чинакам фидойи ҳарбийлардан олади, деди Президент.

Давлатимиз раҳбари соҳада қилинадиган ишлар ҳали қўпчилиги, ҳарбий-маъмурий секторлар ишини такомиллаштириш устувор вазифа бўлиб қолишни қайд этди. Барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар, таълим-тарбия муассасалари, кенг жамоатчилик вакиллари билан амалий ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Миллий армия ва ҳарбийларимиз халқимизга қанча яқин, бир тану бир жон бўлса, шунча қудратли бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда Қуролли Кучлар сафида ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида қўп йиллардан буён муносиб хизмат қилиб келадиган ҳарбийлар ва раҳбар ходимларнинг бир гуруҳига генерал унвонлари берилиши маълум қилинди.

Генерал бўлиш ҳар бир ҳарбий хизматчининг орзуси. Сизларни ана шундай юксак унвонга эришганингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Лекин шуни доим ёдда тутишимиз кераки, ҳарбий хизматда ва давлат бошқарувида бундан ҳам юқори мартаба, бундан ҳам олий унвон бор. Бу — халқимиз, Ватанимизнинг ишончига, ўз муқаддас бурчига доимо содиқ ва муносиб бўлишдир, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига унвонлар, орден ва медалларни тантанали равишда топишди.

Мукофотланганлар юксак эътибори, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

ЎЗА



14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» саройида Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги муносабати билан тантанали концерт бўлиб ўтди.

Унга сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари тақлиф қилинди.

Шу кунни мухташам саройга туташ ҳудудда ҳарбий техникалар намоиши ўтказилди. Фахрийлар, соҳада фидокорона меҳнат қилаётган ҳарбийлар, ёшлар — уч авлод вакилла-

рининг учрашув ва мулоқотлари уюштирилди. Ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган куй-қўшиқлар жаранглади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳарбий соҳада олиб борилаётган ишловлар самарасида Ватан ҳимоясини умр мазмунига айлантирган ҳарбийларимиз эл-юрт олдидаги масъулиятини янада теран англамоқда. Зеро, юртимиз тинчлиги ва тараққиёти, халқ фаровонлиги, ҳудудларимизнинг

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ МАДҲ ЭТИЛДИ

дахлсизлиги уларнинг матонати, садоқати ва машаққатли меҳнатига бевоқиф бўлибди. Бугун миллий армиямиз энг замонавий техника, ускуна ва воситалар билан таъминланган. Юқори малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилаётгани соҳа учун юқори билим ва малакага эга мутахассисларни тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг қўллаган сана муносабати билан йўлланган табриги барча ҳамкасбларим қатори менинг ҳам қалбимни фахр, ҳаяжонга тўлдирди, — дейди Тошкент ҳарбий округи катта сержанти, «Жасорат» медали соҳиби Азамат Каримов. — Жорий йилда Ўзбекистон разведкачилари жамоаси таркибда Буюк Британияда бўлиб ўтган «Кембрия патрули» танловида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни, Россияда ўтказилган «AgMI — 2018» халқаро армия ўйинларида умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгалладик. Бизга билдирилаётган юксак ишончга муносиб бўлишга,

уни оқлашга, юртимизнинг муқаддас туپроғини пок асрашга ҳамиша астойдил ҳаракат қиламиз.

...Санъат усталари ва ижрочи ёшлар, ҳарбий соҳадаги бадиий ва ҳаваскор жамоаларнинг дастури ҳеч қандай бефарқ қолдирмайди. Юракларни тўлқинлантирувчи куй-қўшиқлар, шеърлар янграйди. Бари жонажон Ўзбекистонимизнинг табаруқчилиги, тинч ва осойишта, бахтиёр ва саодатли кунларимизнинг қадр-қиммати, оталар жасорати, шерюрак ака-укаларимизнинг мардлигидан сўзлайди. Концерт дастурининг жонли ижрода ташкил этилгани иштирокчиларга янада байрамона руҳ, кўтаринкилик, завоқ, жўшқинлик бағишлади. Экранда намоиш этилган ҳаётӣ ва таъсирчан лавҳалар тинчликпарвар ва дустона ташқи сиёсатимиз, инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ишловлар, ҳарбийликнинг машаққати ва заҳмати ифода қилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон
Республикаси
Қуролли Кучлари
академиясида
Қуролли Кучларимиз
ташкил этилганининг
27 йиллиги ҳамда
14 январь — Ватан
ҳимоячилари
кунига бағишланган
йиғилиш бўлиб ўтди.



БИР ГУРУҲ ҲАРБИЙЛАРГА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПИШИРЛДИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъуллари, офицер ва генераллар, сержант ва курсантлар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги ўқиб эшитилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъуллари, офицер ва генераллар, сержант ва курсантлар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа

вазир, генерал-лейтенант Абдусалом Азизов сўзга чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар салоҳиятини юксалтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, армияни замонавий қурол-яроғ билан таъминлаш, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимизнинг 2019 йил 11 январдаги «Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли

Кучларининг 27 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони билан тақдирланган ҳарбийларга II даражали «Шон-шараф», «Дўстлик» орденлари, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун» медаллари тантанали равишда топирилди.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан мамлакатимиз мудофеа қудратини ҳар томонлама ошириш, етук ва малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш, Ватан ҳимоячилари, уларнинг оилалари учун муносиб ҳаёт шароитларини

созашга замонавий билим, илғор хорижий тажриба, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича бошланган ишлар тизимли равишда давом эттирилади. Хусусан, шахсий таркиб ўртасида миллий ўзликни англаш ва жанговар руҳни, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда ёш аскар ва курсантлар учун ҳарбий қасам ёзу қилишдан аввал «Ўзбекистон тарихи» фани ва «Темури тузуқлари» китоби бўйича синов ўтказиш тартибини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Тизимда узоқ йиллар самарали хизмат қўсатган фахрийларга эсдалик нишонлари топирилди. Шунингдек, бир қатор офицерларга полковник ҳарбий унвони берилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ФРАКЦИЯ ЎЗ ФАОЛИЯТИДАН ҚОНИҚАДИМИ?..

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси матбуот анжумани ўтказди. Унда 2018 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан фракция раҳбари Ҳотамжон Кетмоновнинг маълумоти тингланди.

Таъкидландики, фракцияси ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, давлат раҳбарининг Парламентга йўллаган Мурожаатномасидаги депутатлар ишини такомиллаштиришга қаратилган қўрсатма ва тақлифлари асосида янги йўналишда ташкил этди. Қонун ижодкорлиги жараёни сифат ва сон жиҳатдан сезиларли равишда ўсди. Хусусан, ўтган йили фракция йиғилишларида 175 қонун лойиҳаси қўрилган. Уларнинг 17 тасига фракция ташаббуси билан концептуал ўзгаришлар киритилган.

Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳалари бўйича фракция аъзолари ишлаб чиққан 315 тақлифнинг 220 таси қонунларни қабул қилиш жараёнида инобатга олинган. «Марказ-вилоят-туман» тизими орқали 145 та қонун лойиҳаси фракция ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларига муҳокама учун юборилиб, 500 га яқин тақлиф олинган. Фракциянинг 12 нафар аъзоси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан тайёрланган 17 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ташаббускор бўлишган. Фракция аъзолари пухта ишланмаган, деб баҳолаган қонун лойиҳалари билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида қайта қўриб чиқилиб, муҳокамаларга киритилган.

Давоми 3-бетда. ►

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Президентимиз «Хитой мўъжизаси»нинг асосчиси Дэн Сяопинни кўпроқ ўқиш ва ўрганишни тавсия қилган эди.

«Агар сен халқингни
бир йил боқмоқчи
бўлсанг, буғдой эк,
ўнг йил боқмоқчи
бўлсанг, дарахт
эк, агар асрлар
давомида боқмоқчи
бўлсанг, билим,
илм эк»



КОНФУЦИЙ ДАХОСИ

Буюк Ипак йўли чорраҳасида

МУНОСАБАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундан икки йил олдин шахримизга ташриф буюрганида Самарқандда буюк хитой донишманди, Осмоноти улқасининг биринчи профессионал педагоги Конфуций билан боғлиқ ёдгорлик мажмуасини яратиш ва унга ҳамоҳанг тарзда халқаро таълим дастурлари марказини бунёд этиш юзасидан топириқ берган эди. Бу истак амалга ошди. Самарқанд давлат университетининг тўққиз қаватли ўқув-маъмурий биноси халқаро университетлар андозаларига монанд қайта таъмирланди. Бино қошида Конфуций ҳайкали қад ростлади. Мутафаккир сиймоси атрофида яратилган майдонда қадимги чинликлар ҳаётига хос тикланган айвонлар Хитой миллий руҳи ва маданиятини ўзида акс эттириб, мазкур майдонга салобат бағишлаб турибди.

2019 йил 11 январь куни июлятимида таъриф буюрган давлатимиз раҳбари ушбу муҳташам маскан ва Хитой, Жанубий Корея, Япония, Хиндистон ва Европа давлатлари университетлари таъриблари ўрганиладиган халқаро таълим дастурлари маркази билан танишди, масъуларга зарурий кўрсатмалар берди.

Конфуций ҳайкалининг ўрнатилиши учун айнан Самарқанд шаҳри ва Самарқанд давлат университети майдони бежиз танланган эмас. Жаҳонга машҳур мутафаккирнинг фалсафий-педагогик таълимоти Маворуннаҳрда дастлаб Самарқандда етиб келганлиги тарихдан маълум. Буюк Ипак йўлининг маркази ва чорраҳаси бўлган, дунё халқлари илми ва маданияти учрашган нуктада жойлашган кўча Самарқанд маданият, иқтисодий муносабатлар ривожланган манзил бўлиши баробарида таълим-тарбия ўчоғи ҳам ҳисобланади.

Самарқанд антик дунё мутафаккирларининг илгор гоилари билан бир қаторда маданият-маърифий соҳаларда Конфуцийнинг таълим, жамият қурилиши ва тараққиёти билан боғлиқ қарашлари ҳам ўрганилган. Баралла айтиш кераки, Мирзо Улуғбек (1394-1449) мадрасасида ўқитилган инсон ва жамият, эстетик тарбияга оид таълимотларда Конфуций фалсафаси ҳам маълум маънода ўз аксини топган.

Маълумки, буддавийлик юртимиз орқали Хитойга кириб борган. Бунда келиб

чиқиши самарқандлик бўлган аллома-ларнинг хизматлари катта бўлган. Улуғ аллома, таржимон ва роҳиб Кан Сенкуй (милодий 280 йил вафот этган) Хитойда юксак ҳурматга эришган.

Қадимдан Самарқанд маданият ва маърифат маркази сифатида хитойлик илм истовчиларда қизиқиш уйғотиб келган. Машҳур пилигримм, хитойлик роҳиб, аллома, сайёҳ, файласуф ва таржимон сифатида машҳур бўлган Сюаньцан (602 — 664 й.й.) Фарғона, Тошкентга саёҳат уюштиришдан ташқари илм олиш мақсадида Самарқандга ҳам ташриф буюрган.

Ўзбекистон — Хитой алоқалари бугунги кунда янги босқичга кўтарилди. 2018 йилда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ҳамкорлик бўйича «Бир макон, бир йўл» форумида мамлакатларимиз ўртасида келажақдаги истиқболли режалар белгилаб олинди. Буюк Ипак йўлидаги мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлики янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бу лойиҳа Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини ривожлантириш ва намоиш этишда муҳим аҳамиятга эга. Самарқанд давлат университети Улуғбек мадрасаси — таълим академиясининг вориси давомчиси сифатида ёш авлодни тарбиялашда, маънавий қадриятларни шакллантиришда Конфуций фалсафасидан ҳам фойдаланиб келмоқда.

Бугунги кунда қатор давлатлар таълим тизимида Конфуций таълимоти катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Самарқандда Конфуций илмий-тадқиқот институти фаолият олиб бормоқда.

Президентимиз ўтган йили Пастдарғом туманида ўтказган видеоселектор йиғилишида «Хитой мўъжизаси»нинг асосчиси Дэн Сяопинни кўпроқ ўқиш ва ўрганишни тавсия қилган эди. Ушбу реформаторнинг 1978 йилда бошлаган ислохотлари бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Юксалиш ва тараққиёт билан бутун дунёни лол қолдираётган Хитойда дастлаб таълим-тарбия жараёнини ислоҳ қилишга, қотиб қолган таълим жараёнини синдиришга ва қўрқмай қайта шакллантиришга бел боғланди. Бунда Конфуций ҳикматларига ҳам суянилды. Донишманднинг бозорни эркин қўйиш билан бирга айни вақтда жамият тизими жиловини ушлаш, адолат тамоийилларини биринчи даражага олиб чиқиш каби ўғитлари ислохотларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Шу нуктаи назардан Конфуций таълимоти нафақат Хитой, балки бизнинг таълим жараёнида ҳам ўрганилиши муҳим ва зарурдир.

Самарқандда Самарқанд давлат университети майдонида Конфуцийга эҳтиром сифатида ёдгорлик ўрнатилиши ва халқаро таълим дастурлари марказининг бунёд этилишини ўзбек ва хитой халқларининг дўстона алоқалари тобора мустаҳкамланиб, кенг миқёсда ривожланиб бораётганлигининг намоишидир. Бу қадим алоқалар Хитой томонидан ҳам эҳтиром ила эътибор билан қутиб олинмоқда. Ўтган йили Шанхай университетидида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ҳайкали очилгани ҳам фикримиз исботидир. Бу дўстона алоқалар йиллар оша янада бардавом ва самарали моҳият касб этишига ишонамиз.

Эркин МУСУРМОНОВ,
Самарқанд давлат университети
доценти.

ЮРАККА ЁЗИЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН СЎЗЛАР

МУНОСАБАТ

Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини телевизор орқали кўриб, эшитаётганимизда депутатлар ён дафтарларига ўзлари учун ёзиб олаётган қайдларга кўзим тушди. Кўнглимдан: «Фақат қоғозларга эмас, юракка ёзилиши, тафаккурга ёзилиши керак бўлган гаплар бу!» деган фикр ўтди. Шунда бундан икки йил аввал ёзган шеърим ёдимга тушди:

Бир ўзинг минг-миллион бўлиб
яшайсан,
Халқим, деганларга осон бўлмайди...

Келтирилган аниқ таҳлиллар, улкан мақсадлар, кўрсатаётган меҳр-муҳаббатни ўйлаб Ўзбекистон аталмиш она юртим янада улканлашиб, буюклашиб кетгандек туюлди. Ҳали бу Мурожаатномани англаш, ҳис этиш, «Айтилган вазибаларни адо этишда ўрним қаерда?» деган саволга жавоб топиш учун бироз бўлса-да вақт керак.

Чунки унинг қамрови нихоятда кенг. Юртимизга фаёзу барака билан кириб келган йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили деб номланди. Инвестиция, ривожланиш тушунчаларининг замирида фақуллодда бир қудрат, тинимсиз ҳаракат бор. Демак, 2019 йил биздан руҳий, маънавий, жисмоний безовталик, ҳаракат, янгиланишларни кутаяпти.

Мурожаатномада бир неча бор: «Кечаги кун ўтди», «Кечагидай яшаб бўлмайди», деган фикрлар ўртага ташланди. Демак, талаб янги, ёндошув янги, кечаги кайфият билан бугун ишлаб бўлмайди, яшаб бўлмайди. Ишга, бурча, ҳаётга муносабатимизни ўзгартиришимиз талаб этилмоқда.

Мана, орадан икки ҳафта ўтиб, Мурожаатномани тақрор ўқиб қарасам, бирор соҳа эътибордан четда қолмагани, жуда нозик, оғриқли масалаларга очик кўтарилгани ва уларнинг ечими

бўйича тақлифлар айтганини англадим. «Оналар учун ижтимоий ҳимоя тизимини яратамиз» деган фикрларга тўхталгим келди. Бу гап оналарнинг, айниқса, бир умр «уйда ўтирган аёл» ёрлиғи билан яшаган, бир нечта фарзандларни қўйилмақом қилиб тарбиялаб қўйган, ҳатто, икки-учта лаб чемпиони, лауреат ўғил-қизларга парвоз учун қанот берган оналарнинг бошини осмон, кўксини вазибаларни адо этишда ўрним қаерда? этгани аниқ. Барчамизни ҳаяжонга солган, қувонтирган янги бир масала бу — ногирон боласига қараб, йиллаб бир олам дард билан яшаб келаётган оналарни қадрлаб айтилган гаплардир.

Бундай оналарнинг меҳнати ҳукумат даражасида шарафлангандир. Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг узлуксиз тизимини яратиш ҳақидаги фикрлар оналар учун Янги йил сунончиси бўлди, десак ҳақиқатни айтган бўламиз. Чунки айни пайтда ҳусусий ва давлат, шерикчилик асосидаги мактаб-гача таълим муассасалари кичкинтойларимизнинг 34 фоизинигина қамраб олар экан, Президентимиз 2019 йилда бу рақамни 44 фоизга кўтариш режалаштирилаётгани ҳақида гапирганда, залда янграган қарсақларга уни томоша қилиб ўтирган барча оналар қўшилгани аниқ. Ахир, қайси она боласини ишончли қўлларга топишиб, хотиржам ишлагиси келмайди?

«Ёшлар — келажагимиз» дастури-ни давом эттириш учун 2 триллион сўм миқдорда маблағ йўналтириш назарда

тутилаётгани биладики кучи, юракдагайрати тошиб турган ўғил-қизларимизнинг ботиний қувватини аниқ мақсадларга йўналтириб юборгани, ота-она кўнглини: «Болам қаерда экан?» деган ҳавотирдан ҳалос этгани билан қимматлидир.

2019 йилда битирувчиларнинг 20 фоизининг олий ўқув юртиларига кириши назарда тутилаётгани тараққиёт учун ишонч, фаровонлик учун кафолат берадиган жамиятга кириб бораётганимизни далиллайди.

2019 йилда ночор аҳволда яшаётган 1600 нафар кишининг арзон уй-жой билан таъминланиши, 13 минг нафар аёлни иш билан таъминлаш назарда тутилаётгани, онкологик касалликларни эрта аниқлаб, даволаш учун дастур яратишга эътибор қаратилгани... Хонадонларга тоза ичимлик суви келиши, мамлакатимизни жиноятсиз ҳудудга айлантиришнинг аниқ чора-тадбирлари...

Бир сўз билан айтганда, бу Мурожаатнома — юраклар юрадиган йўлнинг харитасидир. «Ҳар ким ўз ишига ўзи жавоб берсин», деган ундовни фақат бинолар пештоқларига эмас, қалб деворларимизга ёзмагимиз кераки, улар сўзимизда эмас, кўнглимизда овоз бериб турсин, бизни силқитиб, ҳушёр тортириб, ҳаракатга келтириб турсин!

Вазифалар шу қадар қўламли, ишонч, умид шу қадар улканки, улар олдида ўзимни бир лаҳзада заррадек ҳис қилдим. Кейин Мурожаатномада айтилган залворли сўзларни ҳаёдан ўтказдим, ўзимни ўша қудратнинг бир парчасидай сездим. Энди шу сезги билан яшай бошлайман. Бу сезги менга илҳом, куч-қувват бағишлайди, курашга ундайди...

Қўтлибека РАҲИМБОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, шоира.

КИТОБХОНЛИК ҲАҚИДА ҚАЙҒУРИШ Маънавиятни юксалтиришга хизмат қилади

Президентимизнинг китоб муталааси борасидаги тарихий фармойишидан сўнг аввало оилада ва ўқув даргоҳларида ёшларимизнинг китобга бўлган қизиқишларини янада ошириш бўйича қилинган ва қилинаётган эзгу ишларимиз самарасини бугун кўра бошладик. Китоб тарғиботи, хусусан, китобхонлик талаблари жараёнида ёшлар ўртасида китоб ўқиётганлари кўпайиб бораётгани сезилмоқда.

Аммо оилада китобхонлик муҳити яратилса, мактабда бу янада рағбатлантирса нур устига нур бўлади. Ёшларимиз дарсдан бўш вақтларида нима билан машғуллар, улар яна шу «эски хасталик» — интернетга ружۇ қўйишмаяпти, деган саволлар ҳаммамизни қийнайди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги «Жўмладан, давлат — ҳусусий шериклик асосида янги

маданият ва истироҳат боғларини ташкил этиш, уларни замонавий ёшлар масканларига айлантириш чораларини қўриши, зарур. Ушбу боғлар тарихида биринчи навбатда спорт майдончалари, амфитеатр ва кичик саҳналар, кутубхона, «Китоб кафелари» бўлиши лозим» деган сўзларни ўқиб бизни қийнаётган масала ечими қаердалигини англадим. Тўғриси, шу кунгача маданият ва истироҳат боғларида ёшлар бўш вақтини

ўтказишга бир томонлама, тор маънода қаралар эди. Бу масканларда тадбиркорлар эса турли егулик ва ичимликлар билан савдо қилишарди, холос. Президентимиз тақлиф қилаётган шундай ёшлар масканларида кутубхона бўлиши лозимлиги вазифа қилиб қўйилмоқда. Ёшлар соя-салқин хилбонда китоб ўқиб, ўзаро муҳокама қилишга қандай яхши. «Китоб кафелари»да музқаймоқ ёб, салқин ичимликлар ичиб, бу ердаги мавжуд китобларни муталаа қилиш мумкин. Бу оилада ва мактабда шаклланиган китобхонлик маданиятининг узвий давоми бўлиб, бу билан биз ёшларимизга катта имконият ва муҳит яратиб берган бўламиз.

Тақлифим шуки, ҳозир мавжуд бўлган маданият ва истироҳат боғларида, айниқса, қишлоқ туманларида кутубхоналар очиш учун ер етарли, тадбиркор ҳам топилади. Энди бу ёғи ҳокимлар бу масала аҳамиятини қанчалик даражада тушунишига боғлиқ. Ер ахтариш масаласи пайсалга солинмаса, тадбиркорлар қўллаб-қувватланса, навроз байрамгача барча туманларда кутубхона ва «Китоб кафелари»ни ташкил этиш мумкин.

Анора МАҲМУДОВА,
Ўзбекистон
Қаҳрамони, Гурлан
туманидаги 5-сон
умумтаълим мактаби
директори.

КИТОБ ТИББИЁТИДА

янги давр бошланди



«ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ»

2018 йилнинг сентябрь ойида Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов тиббиёт соҳасидаги ислохотларга бағишлаб Китоб туманида ўтказилган анжуманда қатнашган эди. Вазир камчиликларни ўрганиш, таҳлил қилиш, муаммоларни бартараф этиш мақсадида тоғ қишлоқларига борган, тиббиёт муассасалари иши билан танишган, одамларнинг фикрини эшитган эди.

Орадан ўтган қисқа вақт ичида Китоб тумани ҳудудида жойлашган 2-вилоят сил касалликлар шифохонаси таъмирланди, замонавий ускуналар келтирилди. Китоб туман тиббиёт бирлашмаси таркибидаги шифо масканларида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Марказий шифохона, қўп тармок-

ли поликлиника, Тез тиббий ёрдам бўлими бинолари таъмирдан чиқарилди. Ҳомийлар кўмағида 6 оилавий поликлиника бинолари янгиланди. Битта оилавий поликлиника қурилди. 5 тиббиёт муассасасининг шароити тубдан яхшиланди.

Китоб туман тиббиёт бирлашмаси маркази

зий шифохонасининг кардиология ва эндокринология бўлимларининг янги бинолари қуриб ишга туширилди. Навбатдаги режа туғуруқ комплекси ва болалар касалхонасини ҳам шу жойга қўчириш, 140 ўринли туғуруқ комплекси биносини қуриш эди. Ана шу катта иш қисқа вақтда амалга оширилди. Китоб тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ҳасим Саидовнинг маълумотларига кўра, айни пайтда 257 минг кишига етган туман аҳолисига 3,5 минг шифокор хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг 375 нафари олий маълумотли шифокорлардир. Улардан 76 нафари Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ва бир нафари Россияда малака оширган. Тиббиёт ходимлари томонидан кекса ва ногиронларга уйда хизмат кўрсатиш, гигиена товарлари билан таъминлаш ва бошқа хайри ишларга ҳам эътибор берилмоқда. Ихтисослашган ҳамширалар 160 та патронаж сумкалари билан таъминланди. Марказий касалхонада «Онлайн маслаҳатхона», шикастланганлар пункти ташкил этилди. Яна янгилик, «Электрон поликлиника» тизими йўлга қўйилди.

Ақтам Рўзиев,
225- кўча механизациялашган қурилиш ташкилоти иш юритувчиси: — 4 қаватли туғуруқ комплекси биносини қуришга 5 миллиард 800 миллион сўм сарфланди. Аввало, бино хоналарини иситишга алоҳида эътибор қаратилди. Иссиқ ва сувуқ сув узлуксиз етказиб берилади. Мухтасар айтганда, барча шарт-шароитлар муҳайё қилинди.

Усмонжон Алимов,
туғуруқ комплекси раҳбари: — Туманимизда 68 мингга яқин туғиш ёидаги аёллар бор. Биринга ўтган йили

5805 нафар чақалоқ дунёга келди. Жамоамизнинг 32 нафари олий маълумотли шифокорлардир. Тиббиётда, айниқса, туғуруқхоналарда замонавий ускуналарнинг аҳамияти жуда ҳам катта. Илгари УТТ аппаратида эга эдик. Эндиликда «Кювез» ускунаси ҳам келтирилди. Хўллас, янги туғуруқ комплексида меҳнат қилиш учун барча шароитлар бор.

Сожида Асророва, ҳамшира: — Мен тиббиёт соҳасида 39 йил меҳнат қилдим. Эндиликда шундай замонавий шифохоналар қуриляптики, яна ишлагинг келади. Дунёда шифокорликдек фахрли ва заҳматли касб йўқ.

Ҳимоят Бегматова, меҳнат фахрийси: — Онам менга Оксүв дарёси бўйидаги эски, ночор иморатда жойлашган туғуруқхонада дунёга келгансан, деб айтарди. Ўзим ҳам 37 йил тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишладим, ҳозир ёшим 67 да. Мен бугун янгидан қурилган туғуруқхонадаги шароитларни кўриб роса севиндим ва давлатимизга раҳматлар айтдим. Чунки бу замонавий шифохонада бахтли оналар чақалоқларини дунёга келтириб, бағриларига босишади. Китоб туманида янги туғуруқ комплексининг очилиш маросимида Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиев иштирок этди. Унинг таъкидлашича, 2019 йилда ҳам тиббиёт ва таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқлаб шифохоналар, мактаблар, болалар боғчалари бунёд этилади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Бу ҳақда Мурожаатномада айтилган эди...

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ЎЗГАРИШГА ТАЙЁРМИ?..



ЎЗБЕКИСТОН ХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Президентнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида илгари сурилган ташаббуслар яна бир бор ўрганилди, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдидаги вазифалар муҳокама этилди.

— Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари тубдан янгилашга қаратилган Мурожаатномада халқимизга муносиб ҳаёт барпо этиш йўлида эзгу ташаббуслар белгиланган, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон КЕТМОНОВ. — Шундан келиб чиққан ҳолда, партияимиз ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз, жойлардаги партия гуруҳлари учун аниқ чора-тадбирлар дастури ва барча йўналишлар бўйича «Йўл хариталари» ишлаб чиқилди.

Мурожаатнома юрдошларимиз томонидан яқинлиқ билан қўллаб-қувватланмоқда. Эксперт ва муҳасислар томонидан юқори баҳоланмоқда. Мурожаатномада Президентимиз 2018 йилда амалга оширилган ислохотлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида тўхталар экан, аҳолининг реал даромадлари 12 фоизга ошгани, солиқларнинг прогностдан ошиб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қўлдорилгани, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 416 та қишлоқ янгила қиёфага киргани «Хар бир оила — тadbirkor», «Ёшлар — келажагимиз» дастурларини ижро этишга қўйилган алоҳида таъкидланди.

Бугун мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати юритилмоқда. Инвестиция — бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, дея таърифланди. Аммо бу иқтисодий соҳанинг иккинчи даражага тушишини аниқлашди. Аксинча, иқтисодий ислохотларнинг иқтисодий самардорлиги таъминланмоқда. Бугунги кунда жамият ҳаётининг барча баҳоларида кучли иқтисодий сиёсат, деган таъминилга амал қилинмоқда. Эътибор беринг, Мурожаатномада мамлакатимизда иқтисодий юксалишни таъминлаш орқали иқтисодий соҳани тарқатиш эътибори устувор вазифа бўлиб қолиши алоҳида қайд этилди. Бунда, аҳолининг иқтисодий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнат ҳақ тўлаш тизимини янада тақомиллаштириш, пировардда турмуш фаровонлигини ошириш қўзда тутилмоқда.

Йиғилишимиздан қўзланган мақсад эришган натижаларимизни эътироф этган ҳолда, «Фаол инвестициялар ва иқтисодий ривожланиш йили»да олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб олишдан иборат.

Маълумки, Мурожаатномада ишқисларни касбга ўқитиш, уларга ҳуқуқий масlahатлар бериш ҳамда бошқа иқтисодий ёрдам усулларидан кенг фойдаланиш, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш вазифалари белгиланди. Бундан ташқари, аҳоли реал даромадларини ошириш зарурлиги, энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш тартибини қайта қўриб чиқиш, солиқ ва бошқа бўловларнинг энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқ бўлишига барҳам бериш, Бандликка қўмақлаштиришнинг янги Давлат дастури ишлаб чиқиши, шу билан бирга пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта қўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислох қилиш зарурлигига эътибор қaratилди. Бу борадаги вазифалар партияимиз дастурий ғояларига тўла мослиги зиммасизга катта масъулият юксалмоқда.

Эътиҳамдан аёлларни иш билан таъминлашга қаратилган дастур ишлаб чиқиш, турмуш шароити оғир бўлган 1 минг 600 нафар хотин-қизларни имтиёзли кредитлар асосида арзон уй-жойлар билан таъминлаш каби вазифалар белгиланган берилди. Шу ўринда савол туғилади. Қурилатган уй-жойлар ҳақиқий мухтожларга бериладими? Мазкур масалалар адолат меҳнати билан бўлишига қўйилган эътибор қаратилди. Бу борадаги вазифалар партияимиз дастурий ғояларига тўла мослиги зиммасизга катта масъулият юксалмоқда.

Хўш, муҳим вазифалар ижросига, юртимиздаги тарихий демократик ўзгаришларга тайёрийми?.. Тўғриси айтиш керак, бундан буён ўз фаолиятимизда туб бурилиш қилмасак, ҳар биримиз аниқ иш режамизни ишлаб чиқмасак, қўзланган мақсадга эришишимиз қийин. Эртага ислохотлар жараёнида фаол қатнаша олмаймиз. Агар шундан билан ўзгараётган ҳаётга ҳамнафас фаолият олиб бормасак, орда қолишимиз ҳеч гап эмас, деди Х.Кетмонов.


Шундан сўнг йиғилиш кун тартибидagi масалалар юзасидан партия ташкилотлари раҳбарлари ва депутатлар сўзга чиқиди.



Халилла ЕШИМБЕТОВ,
Ўзбекистон ХДП
Қорақалпоғистон
Республика кенгаши
раиси, Қорақалпоғистон
Республикаси Жўқорги
Кенгеси депутати:

— Орол денгизининг қуришидан жабр кўраётган халқнинг қўз ўнгиди мисли қўрилмаган ўзгаришлар бўляпти. Узоқ муддатли танаффусдан кейин Мўйноққа самолёт қўнди. Қамишдан ДСП ишлаб чиқариш заводи ва бошқа ўнлаб инфратузилма объекти қурилиши режалаштирилган.

Орол денгизи тубидаги суви



Турсунпўлат НОРБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Мурожаатномада парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини янада кучайтириш ва бошқа қатор тақдирлар билдирилиб, муҳим вазифалар ҳам белгиланди. Бу қонунлар қабул қилишда ташаббускорликни кучайтириш, партияимиз электорати манфаатларини ҳимоя қиладиган қонун лойиҳалари устида кўпроқ ишлашимизни талаб этади.

Парламент назоратини янада кучайтириш борасидаги муҳим тақдир, яъни ҳукумат аъзолари, вазирликлар ва давлат қўмиталари раҳбарларини лавозимга тайинлашдаги алоҳида таъкидланди.



Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент молия институти
ўқитувчиси, иқтисод фанлари
доктори, профессор,
Ўзбекистон ХДП фаоли:

— Мурожаатномада хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада 2018 йил давомида қўрилган қатор амалий чораларга қарамайдан, 13 мингдан зиёд аёлнинг иқтисодий аҳоли мураккаб, эътиборга мухтожлигини айтиш жоиз. Булар айнан партияимиз электорати вакиллари. Аҳолини, жумладан,

қуриган майдонларда шомол туфайли юзага келадиган кучли қум, туз ва чанг бўронлари таъсирини камайтириш, қум қучишини бартараф қилиш, минтақада экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида «Яшил қўламалар» — химоя ўрмонзорларини барпо этиш бошланди. Айни пайтда ушбу муҳим тадбирни сифатли бажариш, саксовул ниҳолларини қадаш учун 200 га яқин техника, шунингдек, 2000 нафарга яқин ўрмон ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ходимлари жалб этилган. Улар 2 та йўналиш бўйича яъни, Оролнинг Қораўзақ туманидаги «Ақлеткей» ҳамда Мўйноқ туманидаги «Суртил-Ахантай» ҳудудларида экиш ишларини бажаришмоқда.

47 км узунликдаги ички йўлни тазмирлаш, «Дарёоралик» сув омбори дамбаларини мустаҳкамлашга киришилди. Минтақада экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида 2019-2021 йилларда жами 500 минг гектар, шундан 2019 йилда 100 минг, 2020 йилда 160 минг, 2021 йилда 240 минг гектар химоя ўрмонзорларини барпо этиш белгиланган. Мўйноқ туманида яқин икки йилда 504,2 млрд. сўмлик 73 та лойиҳа

доирасида 1251 та янги иш ўрни яратилади. 1 триллион сўмлик инвестиция йўл транспорт коммуникацияси, ижтимоий инфратузилма ва тadbirkorлик ҳаракатини ривожлантиришга йўналтирилади. Натижада 2021 йилда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар, халқ истеъмоли товарларини тайёрлаш 1,3 баробар, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш 1,2 баробар, хизмат кўрсатиш 1,3 баробар оширилиши мўлжалланаяпти. Бу ишлардан аввало партияимиз электорати манфаат қўради. Шунинг учун ҳам эзгу ниятлар билан амалга оширилатган ишларда партия ташкилотлари, депутатларимиз фаол иштирок этиши керак. Қорақалпоғистон халқи Президентимизнинг бе-восита ташаббуси ва эътибори натижасида бу ишлар амалга ошаётганидан мамнун. Обод қишлоқлар, обод маҳаллалар қўлайиб чиroy очмоқда. Денгиз қўриди, эртага нима бўлади, деган қўрқув билан яшаб келаётган Оролбўйи халқининг қалбига келажакка катта ишонч уйғонмоқда.

ларини вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида муҳокама қилиниб, кейин лавозимга тайинла-ниши ҳам диққатга моликдир.

Бундан буён Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир устувор йўналиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида Бош вазир ҳукумат аъзолари билан бирга Сенат ва Қонунчилик палатаси олдида ҳисобот бериш боради. Мазкур амалиёт депутатлар ва сенаторларга катта масъулият ва ваколатлар юклайди. Бундан Давлат дастури-нинг ҳудудларда ижро этилишини мунтазам кузатиб бориш ва ҳар бир банд бўйича ўз позициясини шакллантириш талаб этилади. Демак, ҳар бир депутатда фикр ва аниқ тақдирлар бўлиши лозим.

Мурожаатномада, шунингдек, парламент назоратининг таъсирчан шаклларида бири бўлган Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини қўриб қилишга алоҳида аҳамият бериш зарурлиги қайд этилди. Бу ишни юқори профессионал даражада йўлга қўйиш учун Олий Мажлис ҳузурида Давлат бюджетни бошқармаси ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Депутат ҳамда сенаторлар барча соҳа ва тармоқларни чуқур ўрганишлари, учраётган камчиликлар, муаммоларни ҳал этишда етакчи куч бўлишлари зарур.

Ўтган йилда ёшларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ турли тадбирлар тизимли равишда ўтказилди. Лекин булар мақтанишимиз учун етарли асос бўла олмайдди. Чунки, ҳали бизнинг эътиборимиздан четда қолаётган долзарб масалалар борлигини тан олишимиз керак. Ёшлар бандлигини таъминлаш энг долзарб муаммолардан биридир. «Ёшлар — келажагимиз» жамғармаси фаолияти кенгайтирилиши ва ўтган йилда жамғарма учун 2 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, шу орқали 50 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши қўзда тутилмоқда. Ушбу жараёнда фаол иштирок этиш бурчимиздир.

Муҳими, ҳар бир қилаётган ишимизга масъулият билан қара-ш, партия кенгашлари ходим-лари ва депутатларнинг масъу-лиятини кучайтириш, уларнинг шахсий жавобгарлигини оши-риш зарур, деб ўйлайман. Агар ўз вазифамизни сидқидилдан, масъулият билан ёндашган ҳолда амалга оширмасак, ар-зумаган иш билан ҳаволаниб, ўзимиздан қониқсак, бу бизнинг улкан камчилигимиз бўлади. Зеро, ўз ишидан қониқмаган ин-сонгина янги марраларни забт этади, ташаббуслари билан халққа, одамларга нафти тегади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФРАКЦИЯ ЎЗ ФАОЛИЯТИДАН ҚОНИҚАДИМИ?..

Шунингдек, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун-нинг 7-моддасига, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддасига ўзгаришлар киритиш, «Исхотик таъминоти тўғрисида»ги ҳамда «Имконияти чекланган болаларнинг таълим олиши ва иқтисодий интеграцияси тўғрисида»ги қонун лойиҳалари партия фракцияси ташаббуси билан ишлаб чиқилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ноғиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мазкур соҳада давлат сиёсатини юритишда амалга оширилатган ислохотлардан келиб чиқиб, Ноғиронлар, Қўзи ожизлар, Кар-соқовлар жамиятлари билан ҳамкорлик янада яхшилانган. Жумладан, «Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси чуқур ўрганилган ва мазкур соҳа бўйича ҳудудлардаги учрашу-ларда аниқланган 100 га яқин муаммо фракцияда муҳокама қилинган. Натижада 50 дан ортиқ тақдир ишчи гуруҳига тақдим этилган.

Президент Мурожаатномасида Олий Мажлисининг назорат-таҳлил фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб, самарасиз назорат ёки қуруқ мажлисларнинг кераги йўқлиги қайд этилган эди. Шундан келиб чиқиб, партия фракцияси ташаббуси билан ўтган давр мобайнида Соглиқни сақлаш ва-зирининг парламент эшитиш, Банд-лик ва меҳнат муносабатлари, Соглиқ-ни сақлаш ҳамда Қурилиш вазирлари иштирокида 3 марта «Ҳукумат соати» ўтказилган. Меҳнат ва иқтисодий ма-салапар қўмитаси билан ҳамкорлик-да 5 марта, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан бир марта тегишли вазирликларнинг ахборотлари эшитилди. Эшитишлар депутатларнинг ўз сайловчилари би-лан бўлиб ўтган мулоқотлари даври-да қўтарилган долзарб муаммолар асосида таъкидлаштирилган бўлиб, уларда маҳаллий Кенгаш депутатла-рининг иштирокини таъминлаш ама-лиёти жорий қилинган.

Жойларда аниқланган муаммолар юзасидан 24 депутатлик сўрови юбо-рилган. Назорат-таҳлил ишлари даво-мида фракция аъзолари аралашуви билан 100 га яқин ноғиронлиги бўлган шахсининг мурожаатлари ҳал этилган.

Маълумотга қўра, сайловчилар билан учрашулар давомида 8122 хо-надона кириб боришдан ва 50206 на-фар фуқаро билан мулоқот ўтказил-ган. Мазкур учрашуларда 10295 та масала қўтарилган. Уларнинг асосий қисми уй-жой, коммунал хизмат кўра-тиш, транспорт ва йўл қурилиши, со-глиқни сақлаш, бандлик, банк-кредит, таълим, савдо ва маиший хизмат кўр-сатиш соҳаларига тааллуқлидир. Му-рожаатларнинг аксарияти (90 фоизга яқини) ҳудудларнинг ўзида маҳаллий мутасаддилар билан муҳокама қили-ниб, амалий ёрдам бериш чоралари қўрилган. Қолганлари Қонунчилик палатасида тегишли вазирлик-идора-ларнинг раҳбар ва масъуллари ишти-рокида кенгайтирилган йиғилишларда муҳокама қилинган. Айрим масалалар ҳудудда тушунтириш сўраб, тегиш-ли соҳалар раҳбарларига депутатлик сўровлари юборилган. Депутатлик қўмағида 156 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилган, 125 нафар фу-қаронинг тиббий-иқтисодий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланган, 568 та хонадонга суюқтирилган газ баллонлари етказиб беришдан, 56 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти банк терминаллари билан таъминланган.

Ўзбекистон ХДП фракциясининг 2018 йилдаги фаолияти билан боғлиқ асосий кўрсаткич ва рақамлар шулар-дан иборат.

Анжуманда, шунингдек, жорий йилда амалга оширилиши режалаш-тирилаётган устувор вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Журналистлар парламент назорати, ишламаётган қонунлар, давлат дастурларининг ижросида депутатларнинг роли ҳамда яна бошқа қатор масалалар-да ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди. Саволларга фракция раҳбари ва аъзолари жа-воб берди.

Матбуот анжуманида ЎзХДП фракцияси аъзолари ўз фаолияти-дан қониқмаётгани, олдинда жуда муҳим вазифалар тургани алоҳида таъкидланди.

Ўз мухбиримиз.

◀Давоми, бошлангич 1-бетда.

Биласизми, бугун Россия Федерациясида 20 мингдан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар таҳсил олади.

2,5 МИНГТАГА ЯҚИН НОДИР БУЮМ

қайта таъмирланди

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ

Маданият вазириликда 2018-2022 йилларда миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда дунё амалиёти андозаларидан фойдаланган ҳолда моддий-маданий мерос объектларини асраб-авайлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда таниқли фан, маданият, санъат арбоблари, мутасадди ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Президентимизнинг ҳар бир соҳани тубдан ислоҳ қилиш бора-сидаги сазй-ҳаракатлари тўғрисида Маданият вазирилик тизимида ҳам катта ўзгаришлар қилинмоқда. Жумладан, моддий маданий мерос объектларининг муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилди, ҳозир ана шу мақсадлар учун катта ҳажмдаги янги техник базалар қўрилиб, фойдаланишга топширилди.

Абдулла Қодирини номидаги маданият ва истироҳот боғида музей ташкил қилиш, Кўзи оҳизлар жамияти учун кутубхоналар барпо этиш, театрлардаги ижтимоий тармоқлар фаолиятини жадаллаштириш, макомчилик йўналишини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Моддий ва маънавий объектларини муҳофаза қилиш асносида республикамиздаги жами 96 музейдан 20 таси реконструкция қилинди. Эркин Воҳидов, Мутал Бурхоннов уй-музейлари, Шахрисабз шаҳрида Маком музейи, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида «Мўйноқ» музейи ташкил этилди. 2,5 мингга яқин нодир буюм тўлиқ реконструкция қилинди.

Анжуман иштирокчилари томонидан музейларда ҳам олиш қуниқтиш ишлайдиган ходимларнинг иш ҳақини ошириш учун Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда юқори ойлик маошлар жорий этиш, маданият ва санъат соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида таълим соҳасига ўзгаришлар киритиш, опера, театр соҳасини кенгайтириш ва шу соҳа бўйича ўқишни битирган ёшларни иш билан таъминлаш бўйича бир қатор тақлифлар билдирилди.

Реставраторлик соҳасини ривожлантириш, маданий топиламаларни бенуксон сақлаш мақсадида нодир буюмларга илмий ёндашиш, цирк ва театрларнинг моддий-техник базасини янгилаш, маданият, санъат ва маданий ёдгорликларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Нилуфар ЧОРИЕВА



Авазжон МАРАҲИМОВ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини тинглаб, қайта-қайта ўқиб, биз, олимлар, барча соҳалар каби, олий таълим соҳаси ходимлари олдида ҳам улкан ва масъулиятли вазифалар турганини юрагимдан ҳис этдим. Юртимизда том маънода тарихий эврилишлар жараёни кечмоқда. Одамларнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда. Халқларварлик сиёсати устувор. Бугун жамиятимизда йиғилиб қолган муаммолар руй-рост гапирилмоқда. Қолаверса, муаммолар гирдобидан чиқиб кетиш йўллари изланмоқда. Ўзбекистонда бошланган янгиланишлар дунё ҳамжамияти томонидан ҳам қизгин эътироф этилмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганишимиз ва уларни иш фаолиятимизга кенг жорий этишимиз замон талабидир. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу борадаги ишларни амалга ошириш, юксак марраларни эгаллаш учун ҳам олий ўқув юртлири нуфузини юксалтириш, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва соғлом рақобатни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим...

2018 йилнинг декабрь ойида Москва давлат университетида ва Қозон Федерал университетида бўлдим. Бундан қўзланган мақсад Ўзбекистон Миллий университети ва мазкур олий таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш эди.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг қамрови қай даражада бўлаяпти? Олдимизга улкан вазифалар қўйилмоқда. Кенг масштаби давлат дастурларини амалга ошириш, албатта осон эмас.

Келгинг, макроиктисодий кўрсаткичлар таҳлилига эътибор қаратайлик. Ишлаб чиқариш ҳажми ва аҳоли даромадларини ошириш, электр энергияси ва сув таъминоти-ни яхшилаш, умуман, кишлоқ ҳўжалиги, кимё, нефть-газ саноатидagi ислохотларнинг замирида юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш турибди.

Биласиз, инвестиция ўз-ўзидан кириб келмайди. Инвестицияни ўзлаштириш, уни ақл-заковат билан ишлатиш учун ҳам салоҳиятли мутахассис керак. Мутахассис бўлганда ҳам, найини бугунги кун, балки эртанги кун илмичи эгаллаган рақобатбардош мутахассис керак. Чўнки амалга оширилаётган ислохотларнинг тағ замирида бугунги ва эртанги ўйлаш сиёсати мужассам. Бугунги олиб борилаётган сиёсатимизда буюк келажакимизнинг тамал тоши қўйилган. Президентимиз Ўзбекистонни 2035 йилга қадар ривожланган 50 та давлатлар қаторига киритиш гоёсини илгари сурмоқда. Биз эндиликда ишлаб чиқариш ҳажминини камида икки ярим баробар, аҳоли жон бошига ҳисобланадиган даромад-ни муттасил ошириб боришимиз зарур. Булар ўз-ўзидан бўлиб қолмайди, албатта.

Мамлакатимизнинг 44,5 миллион квадрат километрдан ортиқ ҳудудининг атиги 9 фойзи суғориладиган ерларга тўғри келади. Демак, ер майдонининг деҳқончилик қиладиган қисми ҳажми икки баробар қўлаядими? 2035 йилга қадар аҳоли сони қанчага етади? Саволлар аниқ. Биз уларнинг ечимини бугундан ўйламоғимиз зарур. Мамлакат тараққиётининг омилли бево-сита илм-фанга боғлиқ. XXI аср — интеллектуал бой-лик асри. Наҳот фақат илмда. Юксак савияли мутахас-сислар тайёрлаш миллатнинг истибқолини белгилар экан, олий таълим тизимидаги ислохотларни амалга ошириш ниятда долзарбдир. Бунинг учун биз юксак

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР ва метан, этан, пропан, бутан газлари...

ГАЗЕТХОН МУНОЗАРАГА ЧОРЛАЙДИ

Касб-хунар коллежларининг ташкил топганига йигирма йил бўлса-да, кўпгина йўналишларда, айниқса, махсус фан адабиётлари ва касбга йўналтиришга мўлжалланган ўқув қўлланмалар ва дастурларни мукаммаллаштириш талаб даражасида эмаслиги кўпчиликка маълум.

Тўғри, махсус фанларни ўқитиш бироз мушкулроқ, бунинг учун ўқувчи мавжуд йўналиш бўйича корхонадаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида амалиёт ўтиши лозим бўлади.

Ҳозир касб-хунар коллежи ўқувчиси ҳафтада бир кун ишлаб чиқариш маж-муаси бўйича турли йўналишларда са-боқ олади. Лекин белгилаб берилган касбий йўналишлар сон жиҳатдан оз-лиги сабабли малакали кадр тайёрлаш-нинг имкони бўлмаяпти.

Бу борада маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, ўқув қўлланмалари я-ратиш давр талаби бўлса-да, деярли ҳеч иш қилинмаётгани кишини ташвишлантиради. Ўқитувчиларга ўз устида ишлаши учун ша-роитлар яратилмоқда, аммо янгилликлар

устида бош қотирмаяпмиз.

Анорганик кимё фани бўйича дар-слиқда, масалан, олтингурут олишнинг америкалик олим Фраш усули берилган. Шунинг ўрнига, бундай технологиялар мавжуд бўлган Муборак газни қайта иш-лаш корхонаси мисолида бу жараёни дарслиқларга киритса бўлади. Бунда табиий газ таркибидан нордон газларни ажратиш, нордон газдан водород суль-фидни ажратиш, водород сульфиддан олтингурут олиш технологияси кетма-кетликда ўрта мавзунини ҳосил қилади.

Пиролиз, полимер, этилен ва поли-этилен маҳсулотларини олиш жараё-ни ҳам адабиётларда уч-тўрт сатрда қай-д этилган, холос.

Бу бўйича ҳам табиий газларни рек-

БУ МУҲИМ МАСАЛА

ИНСОН КАПИТАЛИ биздан эътиборни кучайтиришни, барча имкониятни сафарбар этишни талаб этади.



даражада мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишимиз, кадрлар тайёрлаш масаласида зуд-лик билан ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликчи йўлга қўйишимиз шарт ва зарурдир. Бу — замонавий мутахассислар тай-ёрлаш дастурларини яратиш, хориқлик соҳа вакилла-ри ва олимларни биздаги ўқув жараёнларига кенг жалб этиш каби муҳим масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Мамлакатимиз нефть-кимё саноати йилдан-йил-га ривожланмоқда. Қорақалпоғистонда, Қашқадарёда нефть-кимё комплекслари қурилмоқда. Бу юқори те-хнологиялар асосида ишлаб чиқаришдир. Мазкур гига-нт корхоналар учун минглаб муҳандислар, технологлар керак. Уларни қанчон тайёрлаймиз, ким билан тайёр-лаймиз? Қарши давлат университетида, Ўзбекистон Миллий университетидами?

Очилини тан олиш керак, ҳозир биз олий таълим муассасаларида тарбиялаётган кадрлар замон тала-бидан орқада қолмоқда. Олий таълим муассасалари ўқув режалари, илмий тадқиқотлар реал ишлаб чи-қариш билан ёнма-ён одимлай олаяпти. Аслида илм жамиятнинг локомативи бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам биз ўз олдимизга кечиктириб бўлмас вазифа-ларни қўйдик. Йилга камида 50-60 нафар магистрант ва докторантларни чет элдаги нуфузли олий таълим муассасаларида ўқитишни, режалаштирганимиз. Улар 2-3 йилда таҳсил олиб, замонавий билимларни эгал-лаб, етук мутахассис бўлиб юртимизга қайтиб келади ва катта-катта инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишади, олий таълим даргоҳларида фаолият кўр-сатишади. Улар олий таълим тизимимизга янги қараш, янги шикоятни олиб киришлари шўбҳасиз.

2018 йилда 37 нафар йигит-қизни магистратура ва докторантурага ўқиш учун етакчи хориқий олий таълим муассасаларига юбордик. Уларнинг 2 нафари Япония-да, 5 нафари Кореяда, 7 нафари Хитойда, Италия, Гер-мания ва қолган талабаларимиз Москва давлат, Қозон Федерал, Сибирь Федерал университетларида таҳсил олмоқда. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, яқинда Москва дав-лат университети ва Қозон Федерал университетлари-да бўлиб қайдик. Университетлар раҳбарияти билан

ҳамкорлигимизнинг 2018 йилги якунларини муҳокама қилдик ва кейинги йилнинг режаларини туздик.

Маълумки, геология ва геофизика соҳасида мута-хассисларига бўлган эҳтиёжимиз катта. ЎзМУда ҳам геология факультети бор. Мазкур соҳадаги олимлар салоҳияти қандай, фан докторлари қанча? Таассуфки, санокли. Фан номзодлари ҳам етарли эмас. Қозон Фе-дерал университетида бўлганимизда геология факуль-тетда 72 нафар ўзбекистонлик йигит-қиз ўқиётганли-гига гувоҳ бўлдик.

Бугун Қозон Федерал университетида геология ва нефть-газ технологиялари, ҳисоблаш математикаси ва ахборот технологиялари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари, математика ва механика, менеж-мент, иқтисодиёт ва молия асослари, физика ва бошқа йўналишлар бўйича юқори малакали бакалавр ва ма-гистр кадрлар тайёрланмоқда. Демак, бизнинг ҳам юқ-оридаги мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тайёрлашимиз учун хориқлик ҳамкасбларимизнинг тажрибаси, кўмаги, ҳамкорлиги зарур.

Шу ўринда рақамли иқтисод масаласига ҳам эъти-бор қаратайлик. Биз ҳозир қайси даврда яшаяпмиз? Ривожланган технологиялар даврида. Қозон Федерал университетида Инновацион тадқиқотлар маркази-да бўлганимизда мазкур йўналишда ҳам ҳамкорликчи йўлга қўйдик. Ана шу сазй-ҳаракатлар самараси ўла-роқ, қўшма таълим дастурлари асосида 2019 йилда ка-мида 5 нафар магистр, 3 нафар бакалавр тайёрлашни мақсад қилганимиз.

Геофизика, геодинамика, биокимё, биофизика, нанотехнологиялар, табиий ресурсларни баҳолаш ва захираларини аниқлаш йўналишларида биргаликда тадқиқотлар олиб боришга келишиб олдик. 2019 йили ЎзМУда Қозон Федерал университети билан 3 ўлчамли геомоделлаштириш, табиат ҳодисалари ва жараён-ларини моделлаштириш ва баҳолаш лабораторияси ташкил этилади. Ҳаммуаллифликда ўқув қўлланма-лар, дарслиқлар ва монографиялар чоп этилади. Шу йилнинг февраль-март ойларида Қозон Федерал уни-верситетининг 10 нафар профессор-ўқитувчиси уни-верситетимизга келиб, талабаларимизга дарс бериши мўлжалланган.

Биласизми, бугун Россия Федерациясида 20 минг-дан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар таҳсил олади. Улар-нинг 3 ярим мингдан зиёди Татаристон Республика-сида, бир ярим мингдан ортиги эса Қозон Федерал университетида ўқимоқда. Робототехника, инженерлик тадқиқотлари йўналишида 100 нафардан ортиқ, фун-даментал медицина йўналишида эса 100 нафарга яқин ёки замонавий бошқарув тизимлари, бизнес ва ҳуқуқ, хусусий секторни ривожлантириш, инновацион те-хнологиялар йўналишларида жуда кўплаб ҳамюртлари-миз таҳсил олмоқда.

Тўрт-беш кун давомида улар билан учрашдик. Ёш-ларимиз билан бугунги кунда Ўзбекистонда олиб бо-рилаётган ислохотлар, ўзгаришлар ҳақида чин дилдан суҳбатлашдик. Билмагандларини отқадик, билганлари хусусида фикр алмашдик. Улар мусофирчилиқда ва-таннимизда бўлаётган янгиланишлардан бир бўй ўсган. Биласизми, Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар бўлаётган экан, эшитдим, кўрдим, деб гурур билан гапиришаяпти. Таълим тизимини ислоҳ этиш юзасидан қабул қилинган Президентимизнинг қарор ва фармонларини номма-ном санаб беришдик.

Университетни битираётган 20 дан ортиқ магист-рант Ўзбекистон Миллий университетидаги келиб иш-лашга тайёрлигини маълум қилди. Уларни геология, биология ва кимё факультетларига ишга олмоқчимиз. Ёшлар кучли, ўзига ишончи бор, ҳатто бизни ҳам қаттиқ ишлашга мажбур қилишларига ишончим қомил. Чўнки улар хориқда мустақил ишлашга, ўқишга, фикрлашга ўрганишган.

Фарзандларимиз хориқда ўқишса-да, ўз она юрти тақдирига бефарқ эмас. Ватанимиздаги ҳар бир янги-ликни қўзғатиб боришмоқда, гурурланиб, фахрланиб, ана шу ислохотларга мен ҳам ўз ҳиссамни қўшман, деган эзгу ният билан таълим олишмоқда. Энг муҳими, уларнинг қўлида бир шикоят ёниб турибди...

Бугун Ўзбекистонда инсон капиталини жамиятнинг бойлиги сифатида қарор топтириш учун сазй-ҳаракат-лар жадал бошланди.

Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА ёзиб олди.



тификация қилиш жараёнида метан, этан, пропан ва бутан газларини ажра-тиш технологияларини тўртта мавзу, этан газидан пиролиз натижасида эти-лен олиш жараёнларини камида ўрта мавзу, полиэтилен маҳсулотларини ҳосил қилишда реакция ва рецикл те-хнологиялари мавзуларини дарслиқка киритиш мумкин.

Ҳарорат таъсирида аралаш мо-даларни ажратиб олиш мавзусида бир нечта лаборатория ишини баён қилса бўлади. Яъни, шрот таркибидаги бен-

зин микдорини ажратиш, диэтанол амин таркибидаги водород сульфид ва углерод IV оксидларни десорбция усу-лида ажратиш, этил спирти ва дистил-ланган сув аралашмаларини алоҳида ажратиш каби янги лаборатория иш-ларини фанга олиб кириш мумкин. Ёки минерал ўғитлардан калий хлоридни ишлаб чиқариш технологиясида Деҳ-қонобод калий ўғитини флотация усу-лида ишлаб чиқариш мавзулар бўйича изланиш олиб борилса, янги ўқув қўлланмиси яратилади.

Масаланинг яна бир томони шунда-ки, яратилган ўқув қўлланмани нашрдан чиқаришга ўқитувчининг имконияти йўқ. Шу соҳага ихтисослашган, фаолият кўр-сатаётган «Шўртаннефтьгаз» унитар кор-хонаси ёки «Шўртангазкимё» мажмуа-сига ўхшаш корхоналар уларни моддий томондан қўллаб-қувватласа, бундай изланишлар янада кўпаяди.

Қўлли ТУРСУНОВ, Қарши саноат касб-хунар коллежи ўқитувчиси.

Фақир бўлса-да оиласи тинч, фарзандлари қобил, ўзаро меҳр-муҳаббатли оила аъзоларини бахтсиз, дея олмаймиз.

ОИЛА БАХТИ — ЖАМИЯТ БАХТИ

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

«Оилага эътибор ўзлигимизга эътибордир. Оилани сақлаб қолмасак, биз ўзлигимизни йўқотамиз».

**Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.**

Оила — ҳаёт абадиёлиги ва алоқадор давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешши, келажак насллар учун бетакрор тарбия қўргони экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу боис оила ҳалқимизда қадим замонлардан муқаддас саналиб келинган ва шундай бўлиб қолади. Зеро, ҳалқнинг, миллатнинг келажаги айнан оила билан чамбарчас bog'liq. Чунки ҳар бир инсон оилада туғилади ва вояга етади. Ҳар бир боланинг келажакда ким ва қандай инсон бўлиб камол топишида оила муҳим ўрин тутади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этади. Оиланинг бу хусусияти унинг жамият манфаатлари билан bog'liqlik'лиги ҳамда ижтимоий аҳамиятини ифода қилади.

Бугун давлатимиз Президенти ташаббуси билан олиб борилаётган жамини ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам юртимиздаги ҳар бир инсоннинг бахтли яшашини таъминлашга қаратилган ва бу борада мисли қўрилмаган тарихий ишлар амалга оширилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Давлатимиз томонидан оилаларнинг бахтли яшашини яратилаётган шарт-шароит, уй-жойлар билан таъминлаш, турли ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар бериш, оилаларнинг фаровонлиги, тотувлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларнинг ёруғ келажагини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ўта муҳим бўлиб, келгусида албатта ўз натижасини бериши шубҳасиз.

Бироқ қайд этиш жоизки, инсон бахтли яшаш бигрига моддий таъминот билан bog'liq эмас ва бахтли яшашнинг яна бир энг муҳим омил — маънавий масаласи ҳам борки, бу бутун жамоатчиликнинг эътиборида бўлиши лозим, деб ўйлаймиз.

Таниқли адиб Тоҳир Малик қайд этганидек, «... бахт тушунчасининг моддий томонидан ҳурта, маънавий томони ортиқроқ»дир.

Дарҳақиқат, оиласидан ажрашиб, фарзандлари меҳр-муҳаббатидан жудо бўлган бой одамни ва унинг оила аъзоларини бахтли деб бўлмаганидек,

фақир бўлса-да оиласи, фарзандлари қобил, ўзаро меҳр-муҳаббатли оила аъзоларини бахтсиз, дея олмаймиз.

Айни пайтда ака-ука, ота-бола ёки эр-хотин ўртасида турли низоларнинг вужудга келаётганлиги, ҳатто низо сабабли бири иккинчисининг жонига қасд қилаётганлиги, ота ёки она ўз фарзандидан воз кечаётганининг асл сабаби нимада? Қорнида тўққиз ой, тўққиз кун кўтариб юриб туққан боласини пул эвазига қимларгадир бериб юбораётган аёлларнинг қилмишини қандай баҳолаш мумкин?

«Бой-бадавлат ўғил»нинг мулк илнжидида ўз отасини руҳий беморлар шифохонасига жойлаштирганлиги, шифохонадан чиққан, бир хонали уйда бошқа фарзанди (қизи)га қўрсатмасдан сақлаганлиги ёки бошқа бир «бой ўғил»нинг эса бир неча уйи бўла туриб, ўз онасини уйдан ҳайдаб чиқарганини қандай тушуниш лозим?».

Ёки, рисоладагидек турмуш ўртоғи ва фарзандлари бўла туриб, ёшроқ қизга кўнгли қўйиб, уйланиб кетган отага, оиласига хиёнат қилиб, фарзандларини ташлаб, бошқа эрнинг қўлини тутиб кетётган аёл-онага нима бўлган?

Нега айрим эр-хотин ёки фарзанд ўз жонига қасд қилиш орқали ҳаётига яқун ясамоқда? Оилавий низоларнинг асл сабаби нимада?

Ушбу саволларнинг бирортасига сабаб моддий томонда, деб жавоб бера олмаймиз ва шунингдек, муаммони моддий ҳаётдан, ажрашаётган ота-онанинг масъулиятсизлигида, бағри тошмида, яъни бир сўз билан айтганда, муаммо шайх маънавий ёки ахлоқий билан bog'liq эканлигини қўриш мумкин.

Маълумки, жамиятдаги муаммоларни бартараф этишда жамоатчиликнинг фикри, муносабати ва саъй-ҳаракати жуда муҳим омил ҳисобланади. Оилада маънавий муҳитни яхшилаш, ота-она масъулияти ва ўзаро муносабати билан bog'liq масалаларда, айниқса, нотинч оилалар билан ишлашга хотин-қизлар кўмиталари, «Оила» илмий маркази,



махалла фаоллари, нурунийлар ҳамда ёшлар иттифоқи вакиллари, яъни кенг жамоатчилик томонидан янада кўпроқ эътибор қаратилиши лозим.

Тўғри, учрашувлар ўтказиб, «яқин яшаш керак», деб ўқтириш билан муаммолар ҳал бўлиб қолмайди.

Шунинг учун, фикримизча **биринчидан**, мустаҳкам оилалар вужудга келиши масаласига доимий эътибор қаратиш, лозим бўлса, хотин-қизлар кўмиталари, «Оила» илмий маркази ҳамда маҳалла фаоллари томонидан жиддий жамоат назорати ўрнатилиши керак.

Бунда, асосий эътиборни ёшларга қаратиш лозим. Мактаб, коллеж ва олий ўқув юртиларида йигит-қизларни оилага тайёрлаш масаласида олиб борилаётган ишларни таҳлилий ўрганиб, чораларини қўриш зарурга ўхшайди.

Шунингдек, оила кураётган амалдаги оила қонунчилиги талаблари, ҳусусан, хотиннинг эрдаги ҳаққи, эрнинг хотиндаги ҳаққи, уларнинг оила ва бўлажак фарзандлари олдидида бурчи масалаларини кенг тушунтириш лозимлигини ҳаёт сабақлари қўрсатишмоқда.

Иккинчидан, одоб-ахлоқ, яхшилик ва ёмонлик, гуноҳ ва савоб нималиги ҳақида ёзувчи ва санъаткорлар, олим ва файласуфлар, имом-хатиблар иштираклаш кенг қамровли, тизимли ҳамда таъсирчан тарбиявий иш олиб бориш лозим ва бунда оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари имкониятларидан кенг фойдаланиш кўпроқ самара беради.

Тинч ва ахил яшаб, фарзандларини

яқин тарбиялаб, умргузаронлик қилиб келаётган бахтли ота-оналар, уларнинг ҳаёт йўлини ибрат қилиб қўрсатиш, жамоатчилик, айниқса, ёшлар маънавиятига таъсир этувчи муҳим омил бўлиши мумкин. Зеро, ёшларда оилага муносабатни шакллантиришда биргина салбий ҳолатларни қўрсатиш эмас, балки ўрнатилган мисоллар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жамоатчиликнинг таъсир кучи самараси ҳақида бир мисол келтирай. Нотинч, ажрашиб яшаётган оила аъзолари, уларнинг ота-оналари билан Олий суд ва Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилаётган очик мулоқотларда таъсирчан йўللари ахтарилган. Масалан, аёллар ва вояга етмаган болалар жазо ўташ муассасасидан олинган видео лавҳаларни намойиш этиб, улардан айримларининг тақдирини баён қилиб бераётган. Ажралиш оиладаги барча муаммолар бошланғич эканлигини тушунтирялмиш. Отасиз ёки онасиз қолган бола руҳиятидаги салбий ўзгаришлар, тарбияси назоратсиз қолиши ва бола жиноятига қўл уриши оқибатлари ҳаётий мисоллар билан тушунтириляпти. Ана шундай чора-тадбирлар орқали республика бўйича 1000 га яқин ажрашган оилани яраштиришга муваффақ бўлинди.

Қачонки оила аъзолари ўзаро тотув ва иноқ бўлса, улар ўртасидаги муносабатлар азаллий қадриятларимизга асосланган бўлса, у оила бахтли бўлади ва жамият таянчига айланади, бахтсиз, нотинч-носоғлом оила эса жамият учун муаммолар манбаидир.

Муқаддас ҳадисда, «Мўминлар бир-бирларини севишда ва бир-бирларига марҳамат қўрсатишда бир тан-бир жонга ўхшайдилар. Таннинг бир аъзоси хасталанган пайтда бошқа аъзолар уни даъволашга ҳаракат қилади», деб таъкидланади.

Оила бахти — жамият бахти, оила муаммоси — жамият аъзолари, яъни Сиз ва бизнинг муаммомиздир!

Агарда, ажралиб кетаётган оилага «бу менинг муаммоим эмас, менга нима» қабилида эмас, аксинча, «бу — бизнинг муаммомиз», деб қарасак, бирини ака, бошқасини ука, ола-синглим десак, уларнинг фарзандларини ҳам ўз фарзандимиздек қўрсак, кимгадир моддий, кимгадир маънавий кўмак қўлимизни чўзсак, адашганга тўғри йўлни қўрсатсак ёки бир оғиз далда берсак, жамиятда ажралишлар, етим болалар, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар кескин камайишига олиб келади.

Бир файласуф «Зиммангиздаги инсоний вазифаларни адо этинг — бахтининг ўзи сизни излаб топади. Инсоний вазифаларни адо этиш учун эса кучли ирода талаб этилади», деб уқдирганидек, иродали киши ҳар қанча оғир бўлмасин, турли йўлни танлайди, ўзига, оиласига хиёнат қилмайди. Ана шу ирода, тўғрилик унга бахт келтиради, жамият ҳам бахтли бўлади.

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари,
Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси.

МУНОСАБАТ

Бош Қомусимизда давлатимиз ҳар бир фуқаросининг билим олиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган. Аслида эса бу ҳуқуқ олий ўқув юртилари кесимида келганда сунъий тарзда чекланарди, яъни кириш учун танлов масаласи ўртага чиқарди.

ЧЕКЛАНГАН ҲУҚУҚ...

Тест синовлари — адолат мезони. Аммо олийгоҳда узоқ йиллар ишлаб, орттирган тажрибамдан биламанки, ана шу «адолат мезони» омадга ҳам bog'liq бўлиб қоларди. Ҳатто ўн йиллаб тест синовларида бахти чопмаган, аммо ўқиш иштиёқи зўр ёшларини биламан. Улар билан суҳбатлашсангиз, қизиқчан фани бўйича мулоҳазаси кенг, кўплаб саволга жавоб беришади. Лекин уч соат давом этадиган тест синовларида чалқаш саволларга дуч келишган. «Барибир талаба бўламан, кейин илм билан шугулланаман», деб куйнади бундай ёшлар.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида айнан шу ориқли масалага кенг тўқналиб, бу борада жаҳоннинг ривожланган давлатларини мисол тариқасида келтирди. Ушбу давлатларда ёшларни олийгоҳларга қамраб олиш 60-70 фоизни ташкил этади. Бизда эса бу қўрсаткич ўтган даврда ҳатто ўн фоизга ҳам етмаган. Айнан шу чеклов олийгоҳларда киришда коррупция ҳолатлари ва бошқа муаммоларнинг бош сабаби, дейиш мумкин.

«...2019 йилда мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш — муҳим вазифамиздир», деб таъкидланди Мурожаатномада. Шу билан бирга, олий ўқув юртиларининг нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини қўпайтириш, соҳага юқори малакали кадрларни жалб қилиб, рақобатни қучайтириш заруратида эътибор қаратилди. Олий маълумотли киши билан ўрта маълумотли киши дунёқарашини орасида фарқ катта. Бу — ҳаёт ҳақиқати. Қанча кўп ёшларимиз олийгоҳларда таҳсил олса, улар орасидан шунча кўп етук олимлар етишиб чиқиси ҳеч шубҳасиздир.

Шу маънода Президентимиз Мурожаатномасида белгиланган вазифалар талабчи бахти учун умид боғлаган ёшларимиз ва олийгоҳ муаллимлари кўнглидаги орзулар ушалишига ишончини оширмоқда.

Абдулла ЎРОЗОВ,
Хоразм Маъмун академияси ходими,
докторант.

ЖИГАР ЦИРРОЗИГА

олиб келувчи вирусларни буткул даволаш имконияти мавжуд

СОҒЛИҒИНГИЗНИ АСРАНГ

Тиббиётда эски муаммолардан бири — жигарнинг диффуз касаллиги ҳисобланади. Ҳозирги пайтда қон орқали юқадиган вирусли гепатитнинг В,С, Дельта, G, F, TTV тури маълум бўлиб, айнан ушбу вируслар жигарни йиллар давомида шикастлаб, жигар тўқимасида қайтмас жараёнларга сабаб бўлиши мумкин.

Жигар хасталикларининг қарийб 80-90 фоизини айнан вирусли гепатитлар, тўғрироғи, сурункали вирусли гепатитлар ташкил қилади. Сурункали вирусли гепатит билан оғриган беморда ҳеч қандай белги бўлмаслиги мумкин ва кўп ҳолларда бундай касаллик жуда кеч аниқланиши натижасида инсон ҳаётдан қўз юмиши мумкин. Жигарнинг детоксикация ва синтез функцияси ўта муҳим бўлиб, диффуз касаллик бўлмиш вирусли гепатитда (сарик касалда) унинг фаолияти бузилади.

Детоксикация бу — организмдаги захарли, зиён келтирувчи моддаларни нейтраллаш бўлиб, жигар ҳужайралари организмга тушган, аниқроғи, қонда пайдо бўлган ҳар қандай ножўя таъсир этувчи моддага инсон ақли етмайдиган даражада антинодоз ишлаб чиқаради. Шулардан биз табобат ахлига маълум бўлгани аммиак ҳисобланади (NH₃). Бу тўқимага жуда салбий таъсир этувчи кимёвий модда — захар бўлиб, асосан ичак системасида қонга сўрилади, дарвоза венаси орқали жигарга киради. Жигар ҳужайралари уни глютамин кислотаси билан қўшиб, нейтраллаб кам токсинли мочевинаяга айлантиради ва у буйрак орқали чиқиб кетади.

Агар шун жараён бузилса, организм аммиакдан захарланиб,

турли хил ғайритабиий патологик ҳолатлар юзага келади ва бу ўлимга олиб боради. Аммиак таъсирида бошқа аъзоларда ҳам келиб чиқадиган турли патологик ҳолатлар сон-саноксиз бўлса-да, уларнинг кўпи ҳали табобатда аниқланмаган. Биз шифокорларга маълум бўлгани — аммиакнинг мия тўқимасига салбий таъсири захарланишга олиб келади. Бу тиббиётда гепатоген энцефалопатия (encefal-мия) дейилади. Бунда бош мия тўқимаси фаолияти бузилади, беморнинг марказий нерв системасида маълум патологик белгилар пайдо бўлади. Бемор адекват баҳо бера олмайдиган зейфория ҳолатига тушиб қолади, интеллектуал норасолик юзага келади. Бир томондан, жигар фаолиятининг пасайиши, иккинчи томондан, бунинг оқибатида миянинг захарланиши қайтмас жараёнга олиб келади.

Жигар диффуз касаллиги, яъни гепатитнинг оғир ҳолатга олиб келувчи, бизга маълум бўлган иккинчи томони — жигарда қон айланишининг бузилишидир. Жигар қон томирлар мажмуасидан ташкил толган аъзо. Сарик касал — гепатит — бу жигар ҳужайралари гепатоситларнинг ўлиши (некроз) билан давом этувчи диффуз касаллик. Бу жараён ўлган гепатоситларнинг ўрини бириктирувчи тўқима эгал-



қизилунча ва меъда веналарида ҳам босим кўтарилади ва кўпинча ёрилиб кетади.

Минг афсуски, бу дунё тиббиётининг муаммоси бўлиб, ҳозир бун-

дай беморлар сони жуда кўпайган. Бу касалликларнинг олдинчи олиш бўйича дунё стандартлари мавжуд. Республикаимиз клиникаларида бу стандартлар тўлиқ амалга оширилади. Лекин касалликнинг бу босқичида беморларнинг 40 фоизини жағ паренхимасидаги қон томир тармоқлари деформацияга учраб, дарвоза вена орқали келаётган ва жигарда тозаланиб ўтиб кетиши керак бўлган бутун организмнинг жуда кўп қисмидаги қон ичи тусидан пастдаги дарвоза вена тармоқларида веноз босими ошади.

Бунда босим нормадаги 12 миллиметр симоб устуни ўрнига 70-80 миллиметр симоб устунига чиқиб кетиши мумкин. Шундан сўнг дарвоза вена тармоқлари бўлиш

Таъкидлаш жоизки, биз айтиб ўтган бу икки асоратли ҳолат тиббиётнинг жарроҳлик соҳаси билан боғланади. Ҳозир жигар циррозига олиб келувчи вирусларни буткул даволаш имконияти мавжуд. Касалликни вақтида аниқлаб, имкон қадар вақтида тўғри ва тўлиқ даволашга жарроҳлик амалиётига ўрин қолдирмайди. Бундан ҳам муҳимроқ тадбир эса, вирусли гепатитнинг олдини олишда касаллик профилактикаси, яъни вакцинацияни кенг қўллаш, шаксий гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳисобланади.

Энг муҳими, ҳар бир инсон ўз саломатлиги ҳақида ўзи қайғуриб, вақти-вақти билан врач қўриғидан ўтиб бориши зарур.

Кенжабек ДОЛИМОВ,
тиббиёт фанлари номзоди,
Тошкент Педиатрия тиббиёт институти доценти,
Тоҳирбек ДОЛИМОВ,
тиббиёт фанлари номзоди,
Тошкент эпидемиология ва микробиология илмий текшириш институти ходими.

КОРХОНА РИВОЖЛАНМОҚДА, ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Бугун «Ўзагротехсаноатхолдинг» номи билан машҳур жамият нафакат мамлакатимизда, балки қатор хорижий давлатларда ҳам донг таратди

ЙИЛ САРҲИСОБИ

Ҳар куни «Ўзагротехсаноатхолдинг» ёрлиғи билан галла ўриш комбайнлари, пахта териш машиналари, турли русумдаги тракторлар, тиркамалар ва бошқа ашёлар ортилган автомашиналар темир йўл вагонлари қарвоналарида белгиланган манзиллар томон ошмақда. Жамият тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган ушбу маҳсулотлар ҳамиша харидордир.

— 2018 йилда тизимимиздаги корхоналарда жами 10818 дона қишлоқ ҳўжалиғи техникаси ишлаб чиқарилди, — дейди «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси **Мухтор Каримов**. — Шунинг 1009 таси хайдов трактори, 1918 таси универсал қолиқ трактори, 538 таси галла ўриш комбайни, 398 таси богдорчилик трактори ва 128 таси пахта териш машинасидир. Шунингдек, 1002 дона омоч, 1006 дона галла ва пахта экиш севялмаси, 1894 дона луркагич, 1255 дона культиватор, 427 дона тиркама ҳамда 1243 дона бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалиғи техникасидир. Ушбу техникалар ички ва ташқи бозорлардаги истеъмолчиларга етказиб берилди.

Жамиятимизга қарашли қатор корхоналарда ички ва ташқи бозорларда турли маркетинг тадиқотларини ўтказиш, қишлоқ ҳўжалиғи учун муҳим ҳисоблан-

ган тежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, соҳада маҳаллийлаштириш даражасини чўқурлаштириш, тизим корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жамиятимиз томонидан тизимдаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ ҳўжалиғи техникаларини маҳаллийлаштириш юзасидан уч босқичли дастур қабул қилинган бўлиб, унга қаратилган маҳаллийлаштиришнинг асосий қисмининг яқин 3-4 йили ичида тўла маҳаллийлаштиришнинг режалаштирилган. Ўзингизга маълумки, мамлакатимизда қатор хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ва дўстона алоқалар йўлга қўйилди. Бу ҳамкорлик дўстлик ва шериклик руҳида ривожланмоқда. Натижада иқтисодиётимизда экспорт ва рақобатбардошлик асосий ўринни эгалламоқда. Биргина мисол. Ўтган 2018 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида қўшни Туркменистонга умумий қиймати 17 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 100 та пахта териш машинаси, 1502 дона культиватор, 600 дона вентиляторли луркагич ва 200 та қўсак териш машинасини етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоланганди. Унга қўра, 12 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги қишлоқ ҳўжалиғи техникалари ушбу мамлакатта экспорт қилинди. Жорий йилнинг январь-март ойлари мобайнида яна 5 миллион АҚШ доллари қийматидидаги техникаларни Туркменистонга етказиб бериш юзасидан саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Шунингдек, Россия, Покистон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Қозғокистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари давлатлар ҳам харидорларимиз ҳисобланади.

Қўриб турганингиздек, корхонада қишлоқ ҳўжалиғи учун зарур техникаларни, қопаверса, турли халқ истеъмоли молларини кўплаб ишлаб чиқариш борасида талай муваффақиятларга эришилмоқда. Бу ютуқлар жамият ишчи-хизматчиларининг фикрий меҳнати ва истиқболчи кўзлаб иш тутаётгани натижаси, албатта.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



«Мен мингдан ортиқ устоз олимлардан ҳадислар ёзиб олганман».

ГАЗЕТХОН МУЛОҲАЗАСИ

Бугунги кунда мамлакатимизда 33000 дан ортиқ кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларни бошқариш бўйича 4500 тага яқин ширкатлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Давлат томонидан хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатига имтиёзли кредитлар берилаёпти. Ҳар бир шаҳар ва туманда фаолият олиб бораётган тўртта сектор ва маҳалла фуқаролар йиғини ҳам ширкатларга ёрдам кўрсатиб келмоқда.

МУЛҚДОР ШИРКАТДАН РОЗИМИ?



Улар томонидан маҳаллаларда ободонлаштириш, кўп қаватли уйлари таъмирлаш, томлардан чакка ўтиши, қувурлар носозлигини бартараф этиш ишлари олиб боришмоқда. Хўш, унда хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати нима иш билан шугулланади? Бу савол кўпчиликни қизиқтириб, аниқроғи, қийнаб келмоқда.

Бизнинг фикримизча, хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатининг кўнлик қиладиган ишда йўл харитасини белгилаб берилиши мақсадга мувофиқ. Йўл харитасини тузиш ва амалга ошириш учун биринчи навбатда ширкат раҳбариди иқтисодий билим, ташкилотчилик бўлиши лозим.

Ҳозирги пайтда кўп жойларда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари талабга жавоб бермаяпти. Турар-жой ва нотурар-жой мулкдорлари билан шартнома тузилган бўлса-да, уй-жой ҳамда унинг атрофидаги ҳудудларни сақлаш ва фойдаланиш бўйича тизимли ишлар олиб боришмаяпти.

Шунинг учун кўп хонадонли уй-жой фондиди маъмурий фойдаланишга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, уларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда теварак-атрофдаги ҳудудни ободонлаштириш йўл харитасига асосий маълумот сифатида киритилиши лозим бўлади.

Табиийки, аҳоли ширкатга тўланаётган пулларнинг қаерга сарфланаётгани тўғрисида аниқ маълумотлар берилишини хоҳлайди. Чунки айрим уйларга йиллар давомида бирорта ҳам хизмат кўрсатилмайдди. Демак, ширкат раҳбарлари аҳолидан йиғилаётган маблағ қаерга, нима учун, қанча сарфлангани тўғрисида ҳисоб бериб бориши керак.

Умуман олганда, мулкдорлар тушунчаси бўйича ширкат юқорида келтирилган ишларни ўз вақтида, сифатли амалга ошириши лозим. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида қилинаётган ишларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида кўп қаватли уйларга сайланган уй бошлиғи ваколати ва масъулиятини ошириш масаласини аниқлаштиришни ўйлаб қўриши керак.

Яъни, уй бошлиғи зиммасига кўп қаватли уйларда тозаликка риоя қилиш, барча таъмирлаш ишларини, янги келган уй эгалари ва аъзоларининг назоратини амалга ошириш юқланади. У коммунал тўловларини амалга ошириши бўйича аҳолининг фикрини ўрганади, тўй-маъракаларда иштирок этади, кам таъминланган оилалардан, кекса ёшли қариялардан ва ногиронлардан хабар олиб боради. Шу билан бирга кўп қаватли уйда яшовчи уюлмаган ёшларнинг меҳнат фаолиятига эътибор беради.

Уй бошлиғи вазифасига ҳар бир кўп қаватли уйлардан танлов асосида ўз ишига масъулият ва виждонан ёндашадиган инсон танланади, ўз ўзини назорат қилиш функцияси ишга тушади ва кўпгина муаммолар ҳал бўлади, деб ўйлаймиз.

Шахриддин ФАНИЕВ,
Тошкент молия институтини доценти.

ТАҲРИРИЯТДАН: Газетхон томонидан келтирилган мулоҳаза кўп қаватли уйларда яшовчи аксарият аҳолининг дилидаги гап бўлиб, эскича усулда ишлаётган ширкатлар фаолияти кўпчиликни қониқтирмаётгани бор гап. Уй-жой ширкатлари томонидан йиғилаётган маблағларнинг тизимли ишлатилишида шаффофлик етишмаслиги ва хизмат кўрсатиш сифати пастлиги норозиликларни келтириб чиқармоқда.

Демак, тизимга уй-жой мулкдорлари талаб ва таклифини ўрганган ҳолда ёндашиш, маблағлар сарф-ҳаракатида шаффофлиқни таъминлаш, энг муҳими, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада газетхонларимизнинг фикр-мулоҳазалари биз учун қимматли.

БУЮК МУҲАДДИСЛАР ВАТАНИ

Ёки тарихий ҳақиқатнинг амалий тантанаси

ИСЛОМ МАЪРИФАТИ

Шарқ ва Ғарб тамаддуни тарихида ўз ўрнига эга бўлган юртимиздан кўплаб буюк аллома ва мутафаккирлар етишиб чиққан. Бу олимлар ичида, айниқса, ҳадис илми бўйича улуг муҳаддислар алоҳида ўрин эгаллайди. Ўрта асрларда, хусусан, IX-XII асрларда ҳадис илмига ихтисослашган махсус мактаблар кўп бўлиб, устоз-шогирд анъанаси ривож топиб, самарали фаолият кўрсатган.

Ўтган йили Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигида олий диний таълим берувчи нодавлат таълим муассасаси — Ҳадис мактаби ташкил этилди. Айни пайтда унга қабул қилинган талабалар учун ўқув машғулоти башланганига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўқиш муддати беш йил бўлган мактаб битирувчилари олий диний таълим соҳасидаги тегишли мутахассисликлар бўйича бакалавр даражасини берувчи дипломга эга бўлишади.

Қуръони карим ва ҳадисларнинг асл мазмун-моҳиятини, ҳадис илмининг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганган, ҳадис илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуг ватандошларимизнинг улкан илмий-маънавий меросини пухта ўзлаштирган, ҳадисшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб бориш кўникмасига эга мутахассисларни тайёрлаш, ҳадисшунослик мактаби шаклланиши ва ривожланиши, унинг илмий-маънавий асосларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва унинг натижалари асосида ҳадислардаги юксак инсоний фазилатлар, улардаги эзгуликка чорлайдиган умуминсоний ғояларни кенг ҳалқ оmmasига, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига етказиш мактабнинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Араб тилини пухта ўзлаштирган, ҳадисларни ёд олишда фавқуллоҳда салоҳият ва иқтидорга эга бўлган ўрта махсус диний таълим муассасаларининг муваффақиятли битирувчилари имтиҳон ва синовлар натижасига кўра, ушбу мактабнинг битирувчисига айланиши ҳамда таҳсилни муваффақиятли тугаллаган, ўз хоҳишига кўра, таълимни магистр сифатида Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистратурасида давом эттириши ёки таънч докторантура ва докторантура босқичларида тахсил олиши мумкин.

Мактаб фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида хорижий таълим (илмий) муассасаларида малакасини ошириб келган, юқори савияли профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар, соҳанинг салоҳиятли, етук мутахассислари, хориқлик профессор-ўқитувчиларни жалб этиш, талабаларни малака ошириш, тажриба

алмашиш ва ўқитиш учун чет мамлакатларга юбориш кўзда тутилган.

Мактаб Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Хожа Исмоил шаҳарчасида жойлашган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази биносидида фаолият кўрсатади.

Ўрни келганда таъкидлаш зарурки, жаҳон миқёсида эътироф этилган буюк муҳаддислардан тўрт нафари юртимизда туғилиб, ўзларининг ҳадис илмига оид жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган асарлари билан ислом тамаддуни ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Булар Имом ал-Бухорий, Имом ад-Доримий, Имом ат-Термизий ва Абд ибн Хумайд ал-Кешийлардир.


Юртимиздан етишиб чиққан тўрт буюк муҳаддиснинг бири, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Муслим ибн Ҳажжонинг устози, «хофзу-л-ҳадис», «сохибу-л-муснади-л-кабир» ва «сохибу-т-тафсиру-л-кабир» деган буюк эътирофларга сазовор бўлган муҳаддис аллома Абд ибн Хумайд ибн Наср ал-Кешийдир.

У зот 786 йили Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз)да таваллуд топган. Муҳаддис, муфассир, фақиҳ ва тилшунос бўлган бу олим ал-имом, ал-ҳужжат, ал-хофиз, ал-жаввол (жаҳонгашта) сифатлари билан таърифланган. Таълиқли олим Шамсуддин аз-Заҳабийнинг «Тарих ал-ислом» асарида ёзилишича, Абд ибн Хумайд Кеший илм олиш талабида икки юздан ортиқ шаҳарга сафар қилган экан.

Мовароуннаҳрда ханафий мазҳабининг кенг қўламда тарқалишига беқиёс хизмат қилган ушбу муҳаддиснинг «Муснад Абд ибн Хумайд», «Тафсири Абд ибн Хумайд», «Сулосиёт Абд ибн Хумайд Кеший», «Китоб ала-л-хуруф ва-л-муъжам», «Ат-Тасарруф», «Китоб фаъалту ва афъалту» каби асарлари бизга маълум.

Бу асарлардан энг қимматлиси, шубҳасиз, «Муснад Абд ибн Хумайд» бўлиб бу ҳадислар тўпламидан Имом Муслим «Ас-Саҳиҳ» асарида 138 та, Имом ат-Термизий «Сунани Термизий» асарида 152 та ҳадисни киритишган.

Абд ибн Хумайд Кешийнинг вафот этган манзили ва сўнгги макони ҳақиқатда маълумотлар бахсли. Шамсиддин аз-Заҳабийнинг «Тарих ал-



ислом» асарида келтирилган хабар назаримизда ҳақиқатга яқинроқ. Унга кўра, Абд ибн Хумайд Кеший 863 йили Самарқандда вафот этган.

Улуг муҳаддис олимларимиздан яна бири миллодий 798 йили Самарқанднинг қадимий мавзелиридан бири Доримда таваллуд топган Имом Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Абдурахмон ибн ал-Фазл ибн Баҳром ибн Абдусаммад ат-Тамимий ас-Самарқандий ад-Доримийдир.

У зот ўша вақтларда илм-фан ва маданият тараққи қилган Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, Макка, Мадина ҳамда Хуросоннинг турли шаҳарларида машҳур ҳадисшунослардан сабоқ олади.

Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, Имом ад-Доримий Самарқанддаги ҳадисшунослик илми ривожига катта ҳисса қўшган олимдир. Унинг «Ал-Муснад», «ат-Тафсири», «ал-Жомий», «ас-Сулосиёт фи-л-ҳадис», «Китоб ас-сунна фил ҳадис» каби асарлари бизга маълум.

Ушбу асарларнинг ислом оламида шухрат қозонгани «Сунан ад-Доримий» номи билан маълуму-машҳур «Ал-Муснад» асаридир. Муҳаддиснинг ушбу асарида келтирилган кўплаб ҳадислардан ўша даврда яшаган Имом ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжон, Абу Довуд ас-Сижистоний, Имом ат-Термизий, ан-Насафий, ибн Можжа каби машҳур муҳаддислар ўз асарларида фойдаланишган. Имом ад-Доримий ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийдан ўн уч ёш катта бўлиб, улар баъзи илмий масалаларда ҳамфикр бўлишдан ташқари, яқиндан ҳамкорлик ҳам қилганлари манбаларда келтирилган.

Имом ад-Доримий 869 йили вафот этган. У зотнинг қабри Самарқанд вилоятининг Тайлоқ тумани ҳудудида жойлашган.

Имом ал-Бухорийнинг тўлиқ исми Абу Абдуллох Муҳаммад Ибн Исмоил Ибн Иброҳим Бардабзех (бардабзех — форсча — зироат билан шугулланувчи) бўлиб, замондошлари томо-

нидан имом ал-муҳаддисийн (барча муҳаддисларнинг имоми, пешвоси), амрал муъминин фил-ҳадис (ҳадис илмининг амири, султони), раис ал-фуқоҳа (фақиҳларнинг бошлиғи), имом ад-дуня (бутун дунёнинг имоми) каби буюк эътирофлар билан шарафланган.

Имом ал-Бухорий ҳижрий бир юзи тўқсон тўртинчи сананинг шаввол ойидан ўн уч кун ўтганда, миллодий ҳисобда 810 йил 20 июлда Бухоро шаҳрида таваллуд топган. У зотнинг отаси Исмоил ҳадисшунос олимлардан бўлиб, у ҳақида Ибн Ҳиббон «Китоб ас-Сикот» (Ишончли ровийлар ҳақида китоб) номи асарида маълумот берган. Буюк аллома 870 йилда Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида вафот этган. Мустиқиллигимиз шарофати билан буюк муҳаддиснинг макбараси атрофида том маънода улугвор ва салобатли ёдгорлик мажмуаси барпо этилган.

Имом Бухорий ўз ҳаётлари давомида илм излаб жуда кўп мамлакат ва шаҳарларда бўлган. Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Қаттондан ривоят қилишларича ал-Бухорий: «Мен мингдан ортиқ устоз олимлардан ҳадислар ёзиб олганман. Менинг асарларимда исноди зикр этилмаган биронта ҳам ҳадис йўқ», деган экан.

Имом Бухорийнинг шогирдлари ниҳоятда кўп бўлган. Мўътабар манбаларнинг гувоҳлик беришича, улуг олим ҳаётининг шоҳ асари бўлиши «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»дан унинг бево-сита раҳбарлигида 90 минг киши таълим олган.

Ҳозирга қадар Имом ал-Бухорийнинг асарларига турли ҳадисшунослар томонидан кўплаб шарҳлар ёзилган. У зотнинг асосий асари «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» дунё халқларининг қатор тилларига таржима этилган.

Ислом оламида ўз илми, муҳаддислик маҳорати билан шухрат қозонган яна бир аждодимиз Имом ат-Термизийдир. У кишининг тўлиқ исми Муҳаммад Ибн Исо Ибн Савра Ибн Мусо Ибн аз-Заҳроқ Абу Исо Ас-Сулланий

Аз-Зарийр Ал-Бугий Ат-Термизий бўлиб, 824 йили Термиз яқинидаги Буг (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида таваллуд топган.

Имом ат-Термизий илмий-юқодий фаолияти мобайнида ўнлаб асарлар ёзган. Улардан «Ал-Жомеъ» (Сунан ат-Термизий), «Аш-Шамоил ан-набийя» (Пайгамбарнинг алоҳида фазилатлари), «Китоб ат-тарих», «Китоб ал-ипал ас-сағийр вал-ипал ал-кабир», «Китоб уз-зуҳд» (Тақво ҳақида китоб), «Китоб ал-асмо ва-л-куна» (Ровийларнинг исми ва лақаблари ҳақида китоб), «Ал-Ипал фил-ҳадис» (Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» (Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола), «Асмоу-с-Саҳоба» (Пайгамбар саҳобаларининг исмлари) кабилар илм аҳлларига маълум.

Имом ат-Термизий 892 йили ўзи туғилган Буг қишлоғида вафот этган ва шу жойда дафн этилган. У зотнинг макбаралари атрофида ҳукуматимиз томонидан мухташам ва улкан ёдгорлик мажмуаси барпо этилиб, қутлуг зияратгоҳга айлантирилган.

Ўлкамида бир пайтлар кўплаб ҳадис мактаблари ва муҳаддислар бўлган. Уларнинг исломий илмлар жумласидан асосийларидан бир бўлган ҳадисшунослик илмига қўшган ҳиссалари алоҳида аҳамиятга эга. Бу улуг аждодларимизнинг ҳаёти ва буюк меросини чуқур ўрганиш, улар асос солган ҳадис илми мактаблари фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш, ислом дини асослари ва ҳадис илмини мукамал ўзлаштирган олий маълумотли етук мутахассисларни тайёрлашга киришиш тарихий ҳақиқатнинг амалий тантанаси, дейиш мумкин.

Убайдулла УВАТОВ,
Имом Термизий халқаро
илмий-тадқиқот
маркази директори,
тарих фанлари доктори,
профессор.

«ДЕПАРТАМЕНТ ХОДИМИМАН...»

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Даврон Исоқонов товламачилик, фирибгарлик ва бошқа жиноятлари учун муқаддам бир неча бор судланган. Аммо жазолардан, ҳаётдан тегишли хулоса чиқариб олмаган. У ўтган йилнинг январь ойида пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган «Фарҳод» бозори атрофида дайдиб юрганида кўзи бир дорихонага тушди. Одамлар, айниқса, ёшлар тез-тез кириб-чиқиб турибди. Сўраб-суриштириб билдики, бу ерга келувчилар шифокор рецепти асосида бериладиган «Трамадол» ва «Лирика» дориларни воситачилар ёрдамида олар экан.

Даврон бу қанақа дори эканлигини яхши биларди. Таркибида психотроп модда бор дори воситаси ҳаммага ҳам берилавермайдик. Бу модда келган фикрдан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди. «Ахир, тайёр «ош»-ку! Бунақанга дори олганларнинг тили қисқиб бўлади. Узимни ички ишлар ёки прокуратура ходими, деб таништириб, қўрқитсам, икки қўлга пул беришади». У шун ниятини амалга ошириш йўлини излади. Ҳаммаси ишонарли бўлиши керак. «Қўлга тушганлар» асло шубҳаланмаслиги лозим. Ўйлаб-ўйлаб йўлини топди. «Янгиобод» бозоридан 150.000 сўмга кўп кишини сотиб олди. Юнусобод туманидаги компьютерхоналардан бирида гувоҳнома ясади. Фотосурат ёпиштириб, четиға тангани киждириб босди. Ҳужжат тайёр. Кўп кишини бор. Энди «ишга» киришса бўлади.

Шу кунди Денис Ратимов ҳам «Шухрат» чорраҳасидаги дорихонадан шифокор рецепти асосида дори сотиб олиб, уйига қайтди. Даврон Исоқонов таксига ўтириб, унинг ортидан «қўшбег» даҳасига кузатиб борди. Денис машинадан тушиб, беш-олти қадам босди. Даврон Исоқонов унинг йўлини тўсиб, қизил гувоҳномани кўрсатди. — Тошкент шаҳар прокуратураси ходимиман. Машинага ўтиринг, — деди Даврон Исоқонов. Улар тўри Дениснинг уйига боришди.

— Ўтлингиз пнхвандлик дори воситасини ноқонуний сотиб олди. Бу — жиноят, — деди Даврон Исоқонов Дениснинг онасига юзланиб. — Ўтлингизнинг устидан жиноят иши кўзгатаман. У қамалиб кетади.

Даврон шундай дед Дениснинг қўлига бозордан сотиб олган кишини солди. «Прокуратура ходими» Денисдан анкета маълумотларини сўраб, бир нарсаларни ёзгандай бўлди. Ҳатто Денис «масала»сида «бошлиғи» билан ҳам кўп телефонда гаплашгандай бўлди гўё.

Вақт зик. Тезда ҳаракат қилмаса бўлмайдди. Оладиганини олиши керак. «Прокуратура ходими» Дениснинг онаси билан бошқа хонага «кииб» гаплашди.

— Бу «иш»ни ёпиш учун 400 «қўж»дан берасиз, — деди Даврон Исоқонов. Иложсиз қолган она қўшинларидан қарз сўради. Зўрға 300 АҚШ доллар топиб, «прокуратура ходими»га берди.

Даврон Исоқонов «ови» юришганидан хурсанд бўлиб, пулни чўнтағига солди. Ҳеч ким сезмади. Ана шу воқеадан кейин Даврон Исоқонов кўчада эски таниши Умид Ишматовни учратиб қолди. Дарвоқе, Умид ҳам муқаддам икки марта судланганди. Гап орасида Даврон танишига қизил гувоҳномани кўрсатиб, «иш» таклиф қилди.

— Чилонзордаги «Шухрат»да ноқонуний дори со-



тилади, — деди у атрофга олазрак қараб. — Ана шу дориларни сотиб олганларни икковимиз ушлаймиз. Қўрқанидан айтган пулиминизни беришади.

Умид Ишматов унинг таклифига дарров рози бўлди. «Ролларни ўзаро таксимлашди.

Ўша манзилга бориб, дори сотиб олаётганларни пойлашди. Кўп ўтмай ўзига тўқ қўриган қиз «кииб», «Кобальт»га ўтириб жўнади. Даврон билан Умид таксига ўтириб «Кобальт»нинг орқасидан кузатиб борди. Автоматини ювиш шохобчасига етганида қиз «Кобальт»дан тушди.

— Бўёққа келинг, — дея Даврон нотаниш қизни олдиға қақирди.

Ҳеч гапдан хабари йўқ қиз унинг олдиға борди. — Мен прокуратура Департаменти ходимиман, — деди Даврон қизил гувоҳномани кўрсатиб. — Сиз олган дорини истеъмол қилишингиз мумкин эмас. У пнхвандлик моддаси. Устингиздан жиноят иши кўзгатамиз. Юринг, уйингизга борамиз. Онангизга ҳам қилган ишингиз ҳақида айтмиз.

Улар машинага ўтириб, қизнинг уйига боришди. Кўп ўтмай она ҳам етиб келди.

— Нариги хонага ўтиб гаплашайлик, — Даврон қизнинг онасини таклиф қилди.

— Юринг.

— Қизингизнинг устидан жиноят иш очамиз. У но-

қонуний дори сотиб олган. Жавобгарлиққа тортилди, — деди Даврон ваҳожат билан.

Она бутунлай эсанқираб қолди.

— Ахир, бу қиз бола-ку. Жиноят иш очилса, қизимнинг шаънига яхши бўлмайди. Бу ишни бошқача йўл билан ҳал қилайлик, — деди йиғлағудек бўлиб.

— Оналарни тушунамиз, — деди «департамент ходими». — Майли, сизга раҳмим келди. 1000 АҚШ доллари берсангиз, «иш» кўзгатаймиз.

Даврон 1000 АҚШ долларини олиб, шериги билан ташқарига чиққан, янги «режа» тузди. Улар уларини «Департамент ходими», деб таништириб, яна бир кишининг қўлига кишан солиб, ундан 7.500.000 сўм талаб қилишди. Худди шу усулда, худди шу тарзда дори сотиб олган И.Хаванесовдан 1200 АҚШ доллари, С.Тошбоевнинг онасидан 250 АҚШ доллариға тенг аёллар зирағи ва 850.000 сўм пул ундиришди.

Ноқонуний йўл билан текин даромад топиш узоққа бормади, албатта. Кўп ўтмай «Департамент ходим»ларининг қўлларига кишан солинди. Суд уларнинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Иложи борича тезроқ халқаро маркетинг фаолияти бўйича мутахассисларимизга эга бўлишимиз керак.

ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

МУТАХАССИС ТАКЛИФИ

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётида асосан давлат мулки ҳукмронлик қилиши натижасида улкан имкониятлардан фойдалана олмай келингани ва бунинг оқибатида жиддий иқтисодий-ижтимоий номутаносибликлар пайдо бўлгани бугун кўпчиликка маълум. Тўғри, номарказлаштириш ва хусусийлаштириш узқ йиллар давомида амалга оширилаётган жараён.

Йиллик пул даромадлари 18 миллиард доллар атрофида бўлиб, шунинг тахминан 5 миллиард доллари гўшт ва сут маҳсулотларини сотиб олишга сарфланади. Мавжуд муаммоларга қарамадан, мол гўштнинг таннари жаҳон бозори нархларидан кўра 2 баравар паст. Бундан хулоса шуки, агар илмий асосланган озуқа базаси яратилса, ушбу маҳсулотлар таннари янада пасаяди ва Ўзбекистон икки-уч йил ичида уларнинг экспортчасига айланиши мумкин. Бу эса сабавот сотишдан кўра анчагина манfaatли иш.

Аънавий тарзда қорамол боқиш билан 3 миллионга яқин қишлоқ оиласи

мер хўжаликларининг асосий қисми агрономсиз ишлаётгани, соҳанинг илм-фандан узилганлиги сир эмас.

Яна бир долзарб вазифа бу — асосий капиталга йўналтирилаётган инвестициялар бирлигидан имкон қадар самарали фойдаланишни йўлга қўйишдир. Йирик лойиҳалар шакл-шубҳасиз давлат томонидан экспертизадан ўтказилмоқда. Аммо муҳим бир масала айрим ҳолларда инobatта олинмасдан қолётганга ўхшайди. Гап инвестицион ресурсларнинг ўзлаштириш мuddатлари тўғрисида.

Мисол учун, агар Булоқбоши туманидаги цемент заводи ва шунга ўхшаган

га қўлайтириш учун етарли даражада маркетинг тадқиқотлари ўтказилгани, деган савол туғилиши табиий.

Шундай экан, нимани, қачон ва қим учун ишлаб чиқариш керак, деган саволларга жавобни фақат марказлашган ҳолда ташкил этиладиган, илмий асосланган маркетинг тадқиқотлари ёрдамида топиш мумкин.

Албатта, қайси хорижий мамлакат эксперти бўлмасин, бизга таклифларини ўз мамлакатини манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиб, тақдим этади. Шу сабабдан иложи борича тезроқ халқаро маркетинг фаолияти бўйича мутахассисларимизга эга бўлишимиз керак. Иқтидорли ёшларни чет мамлакатларга юбориб, ушбу фаолиятни юқори даражада ўрганиши учун қанча маблағ сарфланса арзийди, нега деганда, бундай ёндашув келажакда бошқарув аппарати ичмаклаштиришнинг асосий йўлидир. Хозирча эса биз хорижий экспертларнинг маслаҳати билан ишлашга мажбурмиз ва ушбу жараён қанчалик кафолатланганлигини ҳеч қим айта олмайдим.

Хозирги шароитда ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашга қаратилган жозибадор инвестицион муҳитни қандай ташкил этиш кераклигини тушунадиган ва жавобгарлиқни ўз зиммасига оладиган маҳаллий иқтисоди-олимлار хорижий мутахассислар билан бирга Республика эксперт кенгашига жалб этилиши керак.

Эътибор берайлик, инфляциянинг ўсиш суръати 2017 йилда 19, 2 фоизни, 2018 йилда 14,3 фоизни ташкил этди, 2019 йилда эса 15,3 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Хўш, бундай шароитда иқтисодиётнинг ташкилий сектори билан қамраб олинмаган кишилар, 6 соҳилли томорқа ҳисобига яшайдиганлар, кўп болали ва бошқа кам даромадли оилаларнинг ижтимоий ҳолати қайси томонга қараб ўзгармоқда?

Шундан келиб чиқиб, 33 миллион кишилик аҳолининг эртанги кунига оидинлик киритадиган ўта муҳим бир жумбоқнинг ечимига эътибор қаратмоқчиман. Гап ижтимоий ҳимоянинг қай тарзда амалга оширилиши тўғрисида. Мамлакатимиз олдига уни амалга ошириш жараёнида иккита йўл: биринчиси — бюджет ҳодимларининг иш ҳақи ва нафақаларни инфляция даражасига қараб индексация қилиш. Бунинг нозик томони шундаки, ҳар бир индексациядан кейин қашшоқлик тоифасига кирадиган аҳолининг қатлами кенгайиб бораверади ва бундай ёндашув қандай оқибатларга олиб келишини тушуниш қийин эмас.

Иккинчиси — барча имкониятларни инфляцияни жиловлашга қаратилган йўл. Бу йўлга ўтиш учун, аслини олганда, ҳеч қандай тўқилиш йўқ, шу билан бирга, катта сарф-харажатлар ҳам талаб этилмайди. Буни 2018 йилнинг биринчи ярмидаги инфляция натижаларидан кўриш мумкин. Дефляцияга қандай қилиб эришилганини таҳлил қилиб бўлгандан кейин ҳукумат даражасида яна бир инқилобий инвестицион оқимларни ички бозордаги ҳолатга мос келтириш тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

Ҳалла мустақиллиги ғояси доирасидадан чиқа олмайётган, эскича фикрлаш ҳисобига вақтинчалик отга миниб олган айрим «даҳо»лар иккинчи йўл ЯИМ ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келади, деб айтиши мумкин. Бунга жавоб шундай бўлади: Дунёнинг кўп қисми мамлакатлари иқтисодий ўсишнинг 1-2 фоиз даражасида нафақат аҳолининг реал, балки бюджет даромадларини ҳам қўлайтиришга эришмоқда.

Оддий қилиб айтганда, корхона кўп даромад олгани фойдадан ёки иш ҳақининг кўпчилигидан далолат берайди. Буни иқтисодий билим асосларини ўзлаштирган 9-синф ўқувчиси ҳам яхши тушунади.

Мамлакатимизда тўпланган иқтисодий-ижтимоий муаммоларни бартараф этишда энг самарали йўллардан бири — маркетингнинг бизнес фалсафаси сифатида тушунадиган юксак илмий ва амалий потенциалга эга бўлган маҳаллий мутахассисларни бир мақсад йўлида жиқлаштириш. Бир гуруҳ экспертлар яқин икки-уч йил ичида мамлакатимиз иқтисодиётида вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш дастури устида ишласа, иккинчи гуруҳ бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш билан шуғулланади, бу эса хорижий экспертларнинг қимматли маслаҳатларидан воз кечмаган ҳолда қўзланган мақсадларга тезроқ эришишга хизмат қилади.

Илҳом ВАФОВ,
иқтисоди.

БЕРЛИН ДАВЛАТ
КУТУБХОНАСИДА
МИРЗО
УЛУҒБЕКНИНГ
АСТРОНОМИК
ЖАДВАЛЛАРИ
САҚЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг янги даври бошланмоқда. Халқларимиз ўртасидаги самимий муносабат манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашда асосий омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Германияликлар мамлакатимиз тарихи ва халқимиз анъана ва удулларига катта қизиқиш билан қарайди, ҳамюртларимиз ҳам бу юртнинг ўтмиши ва унинг замонавий қиёфасига бефарқ эмас.

Яна бир эътиборли жиҳат. Берлин, Дрезден, Лейпциг ва Штутгарт шаҳарларидаги музейларда ўзбек санъати коллекцияларининг сақланиши ўзаро маданий, илмий ва адабий йўналишлардаги алоқалар янада мустаҳкамланаётганидан далолатидир. Берлин этнологик музейида Бухоро амригилига оид, Берлин давлат кутубхонасида Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари каби нобъ коллекциялар сақланмоқда.

Берлин давлат кутубхонаси «Шарқ» бўлими раҳбари, доктор Кристофер Раухнинг фикрича, бу ердаги қўлёзмаларнинг айримлари ўзбек классик адиблари, олимлари яшаган ва ижод қилган ҳудудлардан, баъзилари эса бевосита Ўзбекистондан олиб келинган. Улар орасида XIX асрдан бун кутубхонада сақланаётган Улуғбекнинг астрономик жадваллари ҳам бор. Уларда 38 юлдузлар туркумига кирувчи 1018 юлдуз ҳақида маълумот берилган.

— Ўзбекистоннинг амалий-декоратив санъати мероси ранг-баранг ва жуда бой, — деди «Ўзбекистон маданияти мероси дунё тўпланларида» лойиҳасининг муаллифи ва видеопрофи бошловчиси Шахноза Ғаниева. — Муайян тарихий сабаблар туфайли унинг муҳим бир қисми бизнинг мамлакатимиз ташқарисига чиқиб кетган. Ўзбек санъатининг ажойиб коллекциялари Германиянинг Берлин, Дрезден ва Лейпциг музейларида сақланмоқда. Масалан, Германиядаги энг кўп ташриф буюриладиган Пергам музейида ислом дунёсининг асосий реликтлари ҳисобланган қўлёзма китоблари ва шарқ тамаддуни амалий санъати асарларининг қимматбаҳо намуналари сақланган. Бу ерда Қадимий Африкадаги шаҳрининг машҳур кулолчилик санъатида оид нобъ асарларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси матбуот хизмати маълумотига кўра, жорий йилнинг 15 январида Берлинда «Буюк ипак йўли мероси Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради» мавзусида халқаро илмий-маданий форуми ўтказилади. Форум иштирокчилари Германия музейларида сақланаётган халқимизнинг ана шундай нодир мероси билан янада батафсилроқ танишишга муваффақ бўлади. Шу жиҳатдан мазкур форумнинг ташкил этилиши Ўзбекистон ва Германия ўртасида дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишида тарихий ва муҳим даврни бошлаб беради, десак адашмаган бўламиз.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири.

ЭЪЛОН

БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Шўртан газ-кимё мажмуаси» МЧЖ ўз эҳтиёжи учун 5000м техник кислород сотиб олиш бўйича 2019 йил 7 январдан 21 январга қадар очик танлов ўтказида.

Танлов шартлари ва техник кислород сифати ҳақидаги тўлиқ маълумотлар билан мажмуанинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти (www.sgcc.uz) орқали танишишингиз мумкин.

Тижорат таклифлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Ғузор тумани, Шўртан қўргони. «Шўртан газ-кимё мажмуаси» МЧЖ

Факс: (0375 552-41-157)
Электрон почта: ogm @ sgcc.uz
Маълумот учун
телефон: (0375 552-41-38)

Хўш, қандай йўл тутсак йўқотилган имкониятларни тиклаб, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаймиз?

Мутахассис сифатида айтаманки, Президентимизнинг Олий Мажлисида қилган Мурожаатномасини чўқур таҳлил қилсангиз, айнан шу саволга жавоб топасиз.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 5 устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар Стратегиясида рақобатбардош иқтисодиётни барпо этиш иқтисодий фаолиятдаги энг муҳим вазифа этиб белгиланган. Савол туғилади: мамлакат иқтисодиёти рақобатбардош бўлиши учун қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?

Бу мавзу мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ва даврий нашрларида деярли учрамайди. Шунинг учун ушбу тизимга бироз таъриф беришга тўғри келади.

Рақобатбардош иқтисодиёт деганда, мақбул суръатлар ва мутаносиблик билан доимий ўсиб борувчи, аҳоли турмуш даражаси изчил яхшиланиб боришини таъминлайдиган, бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ишлаб чиқилган хўжалик механизмга эга миллий иқтисодиёт тушунилади. Бунда давлатнинг иқтисодий фаолиятидаги роли максимал даражада чекланган бўлиб, иқтисодий ресурсларнинг эркин ҳаракатланишига бозор дастаклари — талаб ва таклиф, эркин рақобат ва нарх-наво таъсирида эришилади.

Бунинг учун Ўзбекистонимизда асосли имкониятлар мавжудми? Дунё таърибасидан андоза оладиган бўлсак, барча мамлакатлар юқорида таъкидлаб ўтилган иқтисодий тизимни танлаган. Нега деганда, глобаллашув шароитида ёпиқ иқтисодий тизим билан ривожланишга эришишни кутиш хом хаёлдан бошқа нарса эмас.

Тан олиш керак, Ўзбекистон мустақиллик йиллари давомида ўзига хос йўллар билан иқтисодий ривожланишга эришишга ҳаракат қилиб келди. Фақат давлат мулки ҳукмронлик қиладиган иқтисодий муносабатлардан воз кечмасдан туриб, жаҳон хўжалиги билан интеграциялашишга қаратилган ҳаракатлар қўйилган натижалари бермади. Чунки ривожланган мамлакатлар, яъни потенциал инвесторларнинг иқтисодиёти хусусий мулкчиликка таянган ва бундай тизим давлат мулкига асосланган, марказлашган иқтисодий тизимга эга ҳисобланади. Бунинг исботини стратегик ҳамкор мамлакатлар томонидан тавсия этилаётган инвестицияларни ўзлаштириш ҳолатидан ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги анъана бўлиб қолган услубда бир миллион кишини иш билан таъминлайдиган бандлик дастурини ишлаб чиқса, аҳвол чатоқ деярлигин. Буни англаш учун бир масалага аниқлик киритайлик. Охириги икки йил давомида жалб этилган инвестициялар ҳажми мисли қўрилмаган даражада қўлайганига қарамадан, меҳнатга лаёқатли ёшга етган кишиларнинг учдан бир қисми нима сабабдан яна ишсизлар қаторига қўшилди?

Статистик рақамлар ўйинига киришиб кетган ва бундан асло чарчамайдиган иқтисодчилар битта оддий ҳақиқатни тушунишга ҳаракат қилишса яхши бўлар эди. Яъни, меҳнат бозориди кескинлигининг асл сабаби шундаки, мамлакатимиз иқтисодиётининг мавжуд таркибий тузилиши ва эришилган ЯИМ ҳажми доирасида йилгига кўпи билан 300 минг кишини иш жойи ва муносиб иш ҳақи билан таъминлаш мумкин ҳолос. Бундай ҳол 27 йилдан бери давом этмоқда ва буни исботлаш учун ҳеч қандай халқаро экспертнинг ёрдами керак эмас.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон хўжалигининг таркибий қисми эканлиги ва жаҳон бозори билан чамбарчас боғланганлигини тушуниш учун иқтисодчи олим бўлиш ҳам шарт эмас. Глобал молиявий инқироз жаҳон бозорига шаклланган мувозанатни бузди, унинг конъюнктурасида юз берган ўзгаришлар Ўзбекистон экспорт қиладиган



стратегик товарларга бўлган талаб ҳажмини қамайтирди ва улар нархларининг пасайиб кетишига сабаб бўлди. Бунга табиий газ, рангли металллар, енгил автомобиллар, пахта толаси ва минерал ўғитларни мисол келтириш мумкин.

Натижада мамлакатимизга кириб келаётган валюта тушумлари қамайиб, олтин-валюта захираларининг қисқариши давом этмоқда. Ташқи савдогага салбий натижаларни ички бозор учун зарур бўлган товарларни экспорт қилиш ҳисобига бартараф этиш йўлидаги уринишлар инфляциянинг кучайишига сабаб бўлади, бу ўз навбатида, меҳнат бозорига вужудга келган кескинлиқни бартараф этишга тўқилиш қилиди.

Биз яна бир масала устида жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Меҳнат муҳожирлари томонидан жўнатиладиган пул ўтказмалари қўлаймоқдами ёки қамайди? Бу ҳолатлар ички бозорга, халқ истеъмолчи маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иктисослашган корхоналар фаолиятига қандай таъсир кўрсатмоқда? Томорқаларда ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, гўшт ва сут маҳсулотлари микдори қўлаймоқдами? Ёки... Бу саволларга ўз вақтида жавоб топилмаса, номутаносибликлар вужудга келади, бу эса иқтисодий-ижтимоий масалалар ечимини мураккаблаштиради.

Бунга қўйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, оила даромадларининг асосий қисми (65 фоиздан кўпроги) озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга сарфланмоқда. Тан олиш керак, бу миллий иқтисодиётни бошқаришда илмийлик тамойилидан умуман воз кечилганини билдирадиган энг тушунарсиз номутаносибликдир. Агар 2019 йилдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойлаштиришда маркетингга таянмайдиган янги ёндашувларга ўтилса, мавжуд 4 миллион гектар сугориладиган ерлардан самарали фойдаланиб, нафақат аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, балки 12 миллионга яқин бош қорамол учун озуқа базасини яратиш ҳам қийин бўлмайди.

Маълум бўлишича, фермер хўжаликлари қарамоғидаги 600 минг бош қорамол меъёрларга нисбатан уч баравар паст даражада озуқа билан таъминланган экан. Мантиқан олганда, индивидуал сектор тасарруфидида 11 миллион бош қорамолнинг озуқа билан таъминланиши бундан яхшироқ бўлиши мумкин эмас ва ушбу муаммо параллел тарзда ҳал этилмаса, аҳолининг гўшт таъминотида доир эътирозларини яқин йилларда бартараф этиш амри маҳол бўлиб қолаверади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев аҳолини гўшт билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтиши бежиз эмас ва буни қуйидаги рақамлар билан изоҳлаш мумкин. Мамлакатимиз аҳолисининг

шугулланиб келади. Тахминий ҳисоб-китоблар ва иқроқларининг сўзларидан шундай хулосага келиш мумкин, ҳозирги шароитда бир бош молни гўшт етиштириш мақсадида боқаётган деҳқоннинг йиллик сарф-харажатлари 5 миллион сўмдан кам эмас. Бунинг оқибатида қорамол сонининг қамайиб бориши эҳтимоли жуда катта ва тезроқ бунинг олдини олиш керак.

Қизиги шундаки, мамлакатимиз иқтисодиётида вужудга келган энг мураккаб чалқашликни бартараф этиш учун катта сармоя ҳам талаб этилмайди. Пахта ва ғалладан бўшаётган майдонларда етарли даражада озуқабол экинлар жойлаштиришнинг ўзи kifoy.

Озуқа баланси бузилганлигидан далолат берадиган оддий мисол. Бундан 30 йил илгари Ўзбекистонда чорва ва парранда сони 2-3 баравар кам бўлган, аммо маккажўхори 5 баравар кўп етиштирилган. Хўш, бу масалани ижобий ҳал қилиш шунчалик қийинми?

Табиий савол туғилади: қишлоқ хўжалиги ёки иқтисодиёт вазирликларининг мутасадди ҳодимлари чорвачилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган янги таклифларни, инновацион ёндашуларни илгари сурмаса, бу соҳада ўзгаришлар қаредан оз бериши мумкин?

Ҳисобот йилида ғалла ва пахта давлат томонидан жаҳон бозорига яқинлаштирилган нархларда харид қилинди ва шунга қарамадан, ушбу саноат хом ашёлари етиштириш микдори 2017 йилга нисбатан мос тарзда 2 миллион ва 600 минг тоннага қамайди. Хўш, гап фақат сув захираларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тизим яратилмаганлигидами, ёки давлат бюрократияси асосини ташкил этувчи хўжалик механизмнинг батамом эскирганлигидами?

Оддий мисол келтираман. Менинг бир танишим қишлоқ мактабига қоровул бўлиб ишлайди. У мактабнинг бўш турган ери ва ўз томорқасида саримсоқ пиёз етиштиради. Уч-тўрт йил илгари ушбу фаолият фойдаси ҳисобидан «Матиз» сотиб олганини биламан. Унинг фермер қўшниси неча йиллардан бери 50 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштириш билан банд. Лекин эски тракторига иккита баллон ҳам сотиб олмасди юради. Хулоса шуки, агар босқичма-босқич тақомиллаштирилаётган кластер тизими бўлмаганида аграр соҳадаги натижалар бундан ҳам ачинарли аҳволга тушиб қолиши турган гап эди.

Бугун самарасиз ишлатилаётган ерлар кўп тармоқли фермер хўжаликларига ҳам, гўшт ва сут етиштириётганларга ҳам етади. Бироқ қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар қишлоқдаги раҳбарларнинг иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг асосларини қай даражада билишига ҳам боғлиқлигини унутмаслик керак. Бугун фер-

Оналар фаришталардир, улар фарзандларини юрак-юракдан дуо қилади.

«ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ»



журналининг
навбатдаги
сониди
бири-биридан
долзарб
мавзудаги
мақолаларни
ўқийшингиз
мумкин.

Маълумки, ўтган йилнинг 22-23 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг форум иштирокчиларига табриги, ушбу форумнинг аҳамияти ҳақидаги мақола билан танишиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг «Конституция ва сайлов ҳуқуқи: Ислохотларнинг янги босқичи» сарлавҳали мақоласида Конституциянинг яратилиш тарихи, қабул қилинишининг аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзбекистонда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш, Конституция ва қонунлар устуворлиги принциплари қарор топтириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар таҳлил этилган. Социология фанлари доктори Тошпўлат Матибаевнинг «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигининг кучайиши» сарлавҳали мақоласида жамият иқтисодий ҳаётини ташкил этишда давлатнинг роли ҳақида қизиқарли мисоллар келтирилади. Шунингдек, бозор муносабатлари шаклланаётган даврда ижтимоий ҳамкорлик масалалари тўғрисида фикр юритилади. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фалсафа комплекси докторанти мақоласида Ҳаракатлар стратегияси фалсафий методологик таҳлил этилади.

Андижон давлат университетининг илмий бўлим мутахассиси Мавлуда Алимованинг «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоатчилик назорати институтларининг роли», Қарши давлат университети профессори Очил Бўриев, ўқитувчиси Муртазо Усмоновнинг «Темурийлар ренессанси — уйғонш даврида Туронда маданий юксалиш ва ҳозирги замон» каби мақолалар ҳам мавзуси долзарблиги билан кўпчилик эътиборини тортади, деб ўйлаймиз.


ҚАДРИЯТ

Халқимизда олтин олма, дуо ол, деган мақол бор. Бу сўзлар дуонинг кучи, қудратини билдиради. Бунинг устига, донолар оналар дуосидан устун хазина йўқлигини айтишади. Бу ҳикмат нақадар ҳақиқатлиги ҳаётда кўп маротаба тасдиқланган.

Ҳар сафар турмуш ўртоғим Илҳомжон ака билан меҳрибон онамни кўргани Фарғонага бориб, бир-икки кун туриб қайтаётганимизда, онам меҳр тўла кўзларини менга тикиб, кўлларини очиб, узундан-узун маъноли дуолар қилар эдилар. Онагинам бизга ва фарзанду набираларимизга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, бахт-саодат, омад, тўйлар, улуг мартабалар тилаб, охирида албатта сизларни ўш пирим, Шохимардон пирим, Йигит пирим қўллаб-қувватласин, деб яқунлардилар.

Бу дуонинг маъносини кейин чаксақ, қадимий Ўш шаҳрида Сулаймон пайғамбар, Шохимардонда Ҳазрати Али ва Фарғона вилояти Сух туманининг ёнбошида Йигитпирим, деб аталмиш зиёратгоҳлар бўлиб, зиёратчилар ҳамда сайёҳлар билан доим гавжум экан. Раҳматли онамнинг гапларига қараганда, буюмиз Меҳринисо ая қариндош-уруғларидан хабар олгани 1960 йилларда онамни ҳам ўзлари билан бирга етаклаб, Ўш шаҳрига тез-тез бориб турар эканлар. Демак, онам бу дуоларни ўша пайтларда буюмидан ўрганган бўлсалар керак.

Илҳомжон аканинг раҳматли оналари Зухраҳон ая ҳам Наманган вилояти Чортоқ туманида жойлашган Бағилгиқ кўл, деб аталмиш азиз жойга бориб, у ерда яшовчи маҳалла ва қишлоқ аҳлининг ҳурматини қозongan. Оқ Ойим исмли қария билан суҳбат куришни яхши кўрар эдилар. Бизни ҳам



ОНАЛАР ДУОСИ

у кишининг уйларига олиб борганлар. Ҳар доим қайнонам Оқ Ойимга қараб «қани ая, бир болаларимни дуо қилинг», дердилар. Оқ Ойим фариштаникидай оппоқ кўлларини очиб, чиройли дуолар, тилаклар қилар эдилар. Қайтаётганимизда қайнонам «бу кишининг дуолари жуда кучли, тилаклари албатта ижобат бўлади, дуоларини чуқур ихлол билан қабул қилиш керак», деб йўл-йўлакай бир неча бор такрорлар эдилар. Зухраҳон аянинг ўзлари ҳам бизни, набира ва чевараларини ҳар доим жуда мазмунли сўзлар билан дуо қилар эдилар. Қайнонамнинг дуолари ҳозир ҳам қўлоқларимиз олдида жаранглаб туради, чунки ўғиллари Илҳомжон ҳар кун эрталаб ишга кетишдан олдин хонадонимиз деворида чиройли ойнали ромга қўйилган оналар ва оталари суратларига қараб «қани опа, ўзингиз бир дуо қилинг», деб ўзлари ёдлаб олган она дуоларини қайтарадилар: «Илоҳи омин... умрийна узун бўлсин, ризқийна баланд бўлсин, юзийна ёруғ бўлсин, йўлларийна очик бўлсин, Ҳизр баракасини берсин». Кейин «ана опам дуоларини олдик, энди ишга кетсак бўлади», деб қичиб кетадилар.

Қизим Ферузахон ҳам бувилари Муҳаррамхон ва Зухраҳон аялар дуолари-

ни жуда яхши кўриб ихлол қилар эди. Бувилари ҳам Ферузахонни ниҳоятда севиб, елкаларини сийпалаб, эркалатиб дуо қилар эдилар. Шунинг учун кизим бизни тез-тез бувиларини кўриб келишга ундар эди.

Дарҳақиқат, оналар дуоси муқаддас, ҳар қандай ҳазинадан аъло ва кучли. Она дуосини эшитган фарзанд ўзини тетик, енгил, кучли ва соғлом ҳис этади. Она дуосини олган ҳеч қачон кам бўлмайди, деган ибратли даъватни кўп эшитганмиз. Бунга ўз ҳаётимиз мисолида икром бўлганмиз. Билишимча, оналар дуоси фарзандларни турли баҳо-қазолардан асрайди. Яхшиликка ундайди, кўнгилда самимий, инсоний туйғуларни уйғотади. Шунинг учун эрталаб ишга, ўқишга ёки узок юртга сафарга кетаётганимизда онангиз ёнига келиб, «онажон, бир дуо қилинг», деб кўринг, дуони эшитгач, вужудингизда ёқимли бир илиқлик сезасиз, кўнглингиз равшан бўлади, тетиклашади, ишларингиз бароридан келади. Чунки оналар фаришталардир, улар фарзандларини юрак-юракдан дуо қилади.

Гулалас НЕЪМАТОВА

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTION SAVDO» МЧЖ

2019 йил 21 февраль кунини бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибдаги очиқ аукцион савдоларини ўткази

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Миробод тумани, Нукус кўчаси, 22-«А» уйда жойлашган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ЎЗМОБАЙЛ» филиали балансидаги 2010 й. и.ч, д/р 01/434JFA, бошланғич нархи 68 087 700 сўм бўлган «ЕРИКА»; 1997 й. и.ч, д/р 01/785DCA, бошланғич нархи 22 992 461,10 сўм бўлган «ДАМАС»; 1998 й. и.ч, д/р 01/354TBA, бошланғич нархи 15 041 844,90 сўм бўлган «ГБА СПГ ДАМАС»; 2003 й. и.ч, д/р 01/793VBA, бошланғич нархи 19 895 445 сўм бўлган «МАТИЗ»; 2007 й. и.ч, д/р 01/893DCA, бошланғич нархи 20 484 128,70 сўм бўлган «МАТИЗ» русумли; Тошкент ш., Миробод тумани, Нукус кўчаси, 22-уйда жойлашган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК ТШТТ филиали балансидаги 2011 й. и.ч, д/р 01/869CDA, бошланғич нархи 55 514 700 сўм бўлган «ЭПИКА»; 2010 й. и.ч, д/р 01/664DFA, бошланғич нархи 55 300 500 сўм бўлган «ЕРИКА»; 2010 й. и.ч, д/р 01/665DFA, бошланғич нархи 55 300 500 сўм бўлган «ЕРИКА» русумли; Тошкент ш., Яқкасарой тумани, Бешчинон кўчаси, 2-уйда жойлашган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК Тошкент филиали балансидаги 1998 й. и.ч, д/р 01/033YBA, бошланғич нархи 39 930 400 сўм бўлган «KIA SPORTAGE»; 2005 й. и.ч, д/р 01/890KBA, бошланғич нархи 17 410 500 сўм бўлган «BA3-21074-120-21 СПГ»; Қўнбрай ТК боғламасига бириктирилган 1998 й. и.ч, д/р 10/822DAA, бошланғич нархи 8 944 200 сўм бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситалари қўйлади.

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кундан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камиди 20 фоизи миқдоридagi закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTION SAVDO» МЧЖнинг АТББ «Ипотекабанк» Шайхонтохур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кундан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етishмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқориди белгиланган савдо куниди сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабдорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқориди кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUA5_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

РЕКЛАМА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОҒОХЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: (71) 202-61-71, (71) 230-61-13.

Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: (71) 230-64-65.

Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.

Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: (71) 230-64-68.

Нукус шаҳри, Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.

Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: (71) 230-64-78.

Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.

Самарқанд шаҳри, Сельский, Ўрташиқ кишлоғи ЭММХ, телефон: (71) 230-64-80.

Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.

Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.

Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: (71) 230-64-74.

Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Muslihidin MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Mahmud TOIR

Shuhrat JALILOV

Qabulxona — (71) 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-38-55, (71) 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 151. 4480 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 04:00.

Topshirilgan vaqti — 04:10.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Shahflovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6